

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



Имоми Шофейй. Девон



ДЕВОН



Таржимондан  
Бисмиллахи рохманир рохийм

Инсонни яратган ва унга баённи ўргатган Аллохга хамду санолар бўлсин. Киска сўзларда улуғ маъноларни ифодалаш хусусияти берилган, гўзал хулқларни камолга етказмок учун юборилган хабибимиз Мухаммад Мустафога, ахли оилалари, асхоблари ва

уларга тугал тобе бўлган чин мўминларга салоту саломлар ёгилсин.

Имом Шофеийнинг таърифиди шу қадар кўп ва хўб ёзилганки, бугун уларга зиёда қилишнинг на иложи ва на эҳтиёжи қолмаган. Ана шундай улкан заковат ва ўткир қалам соҳибининг энг фасохатли лисонда ёзган тағдор фикрларини назмда эмас, хатто насрда қайси бир тилга бор гўзаллиги билан ўғирмок менинг наздимда имконсиз иш бўлиб кўринади. Агар сиз уларни аслида мутолаа қилсангиз ва қайсидир даражада тушуниб қолсангиз, бу гўзал тартиботни бузиб, бошқа тилга таржима қилишдан қизганган, эҳтимол, хижолат қилган бўлар эдингиз. Шофеийни ўзбек тилига тугал ўғирмок учун бошқа бир Шофеий керак.

Бинобарин, сиз ўқиётган сатрлар имом Шофеий девонидан бир ожиз ўқувчининг ожиз фаҳми билан тушунганларидан бошқа нарса эмас. Фақат мазкур ажиб ҳақиқат парчаларини сизларга ҳам илинганимиз учун уларни нашр этишга қарор қилдик.

Эҳтимол, сиз уларни яхшироқ тушунарсиз. Ахир шундай етказилганлар бўладики, улар етказганлардан тўғрироқ ва теранроқ англайдилар.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

2019 йил, 29 декабр.

Ҳасан Асомиддин

### **Имоми Шофеий (роҳимахуллоҳ)**

Мухаммад ибн Идрис ибн Аббос ибн Усмон ибн Шофе ибн Соиб ибн Абду Язид ибн Мутталиб ибн Абдуманоф Хошимий, Қурайший, Мутталибий.

Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Идрис Шофеийнинг оналари Али ибн Абу Толиб розияллоху анхунинг оналари Фотима бинт Асаднинг набира қизлари бўлади. Шунинг учун имом Шофеий “Али ибн Абу Толиб – амаким”, деганлар.

Имом Мухаммад ибн Идрис Шофеий хижрий 150-йили (мелодий 767-йили) Газзада дунёга келдилар. Худди шу санада машҳур факих имом Абу Ханифа Нўъмон ибн Собит вафот этганлар. Имом Шофеий икки ёшга тўлмаётганда етим қолдилар. Онаси имом Шофеийни олиб Маккага кўчиб келади.

Етти ёшида Қуръонни ёд олган Мухаммад ибн Идрис ўн уч ёшида тажвид ва тафсир илмини пухта эгаллади. Унинг тиловати ширин овози ва ажиб маҳзунлиги билан алоҳида ажралиб турарди.

Замондошлари имом Шофеийни узун бўйли, қорачадан келган, очик юзли ва ширин сўзли киши деб тавсиф қилганлар.

У соф араб тилининг кенг имкониятлари билан яқиндан танишиш ва фасохат ҳамда балогат сирларини ўрганиш учун арабларнинг энг фасохатли қабиласи аталган Бани Ҳузайл билан ўн йил бирга яшади. Бадавий ҳаётнинг барча машаққатларига сабр қилиб она тилининг бойликларидан баҳраманд бўлди. Кейинчалик машҳур шоир Асламий

“Хузайл кабиласининг шеърларини Мухаммад ибн Идрис исмли курайшлик ўсмирдан тўғирлаб олдим” деб эътироф этган эди.

Имом Шофеий илм талабида Ирок, Форс, Шом, Яман ва Миср ерларига сафар килдилар. Замондош уламолар билан хамсухбат бўлдилар.

Умрларини охириги йилларини Мисрда ўтказган имом Мухаммад ибн Идрис кўп асарлар таълифини шу диёрда нихоясига етказди.

Имом Шофеий хижрий 204 йил (мелодий 820 йил), Ражаб ойининг 28-кунида жума кечаси 54 ёшда оламдан ўтдилар.

Ибн Абдулҳаким:

- Имом Шофеий билан мунозарага киришган кишини кўрсам, унга раҳмим келар эди. Шофеий билан баҳс килсанг ўзингни худди йирткич тилка-пора килаётгандек хис этардинг. Одамларга хужжат канака бўлишини имом Шофеий ўргатди.

Абу Савр Калбий:

- Мен Шофеийга ўхшаш одамни кўрмаганман. Шофеий хам ўзига ўхшашни учратмади.

Ахмад ибн Ханбал:

- Аллох хар юз йилнинг бошида одамларга суннатни ўргатадиган ва Расулуллох соллаллоху алайхи васалламдан ёлгонларни инкор этадиган бир кишини чиқариб кўяди. Караб кўрсак, биринчи юз йилликнинг бошида Умар ибн Абдулазиз, иккинчи юз йилликнинг бошида имом Шофеий бор экан!

- Факихлар табиб, муҳаддислар доришунос эди. Мухаммад ибн Идрис Шофеий хам табиб, хам доришунос бўлиб келди.

- Сиёҳдон ёки калам тутган хар бир инсоннинг бўйнида Шофеийнинг миннати бор!

- Олти кишининг ҳақкига сахарларда дуо киламан. Уларнинг бири имом Шофеий бўлади.

Рабе ибн Сулаймон:

- Шофеийни, гўзал баёни ва ажаб фасохатини кўрсангиз, хайратда колар эдингиз.

Агар имом Шофеий ўзининг китобларини мунозарада ишлатган арабий лисонида ёзганида, тилининг фасохати ва лафзларининг нодирлиги боис биз уларни тушуна олмасдик. Бинобарин, имом асарларини оддий одамлар англайдиган содда тилда ёзиб колдирди.

Абдурахмон ибн Махдий:

- Ўқиган хар битта намозимда Шофеийнинг ҳақкига дуо киламан!

Абдуллох ибн Ахмадибн Ханбал:

-Сиз Шофеийнинг ҳақкига кўп дуо киласиз-а? – дедим отамга.

-Эй ўғлим, - деди отам – у дунё учун офтоб, инсонлар учун офият каби эди. Ахир бу иккисининг ўрнини тўлдириб бўладими?!

Кутайба ибн Саид:

- Суфён Саврий ўлди – такво ўлди, Шофеий ўлди – суннатлар ўлди, Ахмад ибн Ханбал ўлса, бидъатлар зохир бўлади.

Хорун Саид Айлий:

- Агар имом Шофеий манави тош устунларни ёғоч деб мунозарага киришса, баҳсга бўлган иктидори боис мунозарада голиб чиқар эди.

Яҳё ибн Саид:

- Кирк йилдан буён намозимда Шофеийнинг ҳақкига дуо киламан.

Яҳё Каттон:

- Имом Шофеийни хослаб дуо киламан.

Юнус ибн Абдулаъло:

- Имом Шофеий худди оятларнинг нозил бўлишини кўзи балн кўргандек тафсир килар эди.
- Имом Шофеий сеҳргар эди. Ёнида ўтирсак, сўзларини англаб етолмасдик. Тили шакар, балогати гўзал, заковати ўткир, зехни зоҳир, фасохати комил ва хужжати ҳозир ажиб мантикли инсон эди.

Имом Заҳабий:

- Энди бундай зотлар кайда?! Фасохати зарбулмасал эди. Ўз замонида Курайшнинг энг фасохатли кишиси ҳисобланарди. Лугат унинг сўзидан олинарди.

Имом Шофеий айтади:

- Ортикча мол-дунёни талаб килиш Аллоҳ томонидан тавҳид аҳлига берилган жазодир!
- Ҳеч қачон фақирликдан кўркмаганман!
- Кимни такво азиз қилмаса, унда азизлик бўлмайди.
- Ҳеч қачон ёлгон гапирмаганман!
- На рост ва на ёлгондан Аллоҳ номига қасам ичмаганман!
- Ҳеч қачон жума кунининг гуслини тарқ қилмадим!
- Хақикий оқил ўзини сезмаганга соладиган зийрак инсондир.
- Ёд олинган нарса илм эмас, балки фойдаси теккан нарса илмдир.
- Аллоҳ таоло “Кун” яъни “Бўл!” деган сўз билан борликни яратди. Агар “Кун” калимаси махлук бўлса, махлук махлук билан яратилган бўлиб қолади.
- Ҳеч қачон голиблик учун мунозарага киришмадим. Хохлардимки, китобимни барча-барча ўргансин ва ундаги бирон нарсани менга мансуб қилмасинлар.
- Суфён ибн Уяйнадек фақиҳни ҳам, унингдек фатво беришдан сукут қиладиган кишини ҳам кўрмадим.

Имом Шофеий мусулмонларнинг тиб илмини зое этганларидан куйиниб айтарди:

- Илмнинг учдан бирини зое қилдилар, уни яҳудий ва насороларга бериб қўйдилар.
- Агар хақикий фақиҳ уламолар Аллоҳнинг валийлари бўлмаса, демак Унинг валийси йўқ экан.
- Имомдан сўрадилар: Бир одам оғзида олма билан турибди. Олмани есам ҳам, емасам ҳам хотиним талок бўлсин, деган. Нима қилса хотинига талок тушмайди?  
-Олманинг ярмини еб, ярмини ташлаб юборсин, - деди имом.
- Илм талаб қилмоқ нафл намоздан афзалдир!
- Фақиҳ Аллоҳга тавозе ва шукр қилиб бошидан тупроқ сочиши керак!
- Қайси хонадоннинг аёллари бегона эркаклар олдига, эркаклари бегона аёллар олдига чиксалар, уларнинг фарзандларида нодонлик бўлади.
- Тавозе муҳаббатни, қаноат эса роҳатни мерос қолдиради.
- Инсонларни бошқариш хайвонларни бошқаришдан оғирроқдир.
- Бехуда сўзни айтсанг, сен сўзга эмас, балки сўз сенга хўжайин бўлади.
- Энг фойдали заҳира такво, энг зарарлиси эса адоватдир.
- Газаби сўралганида газаб қилмаган кимса эшакдир. Розилик сўралганида рози бўлмаган кимса шайтондир.
- Бошлиқлик бешта нарса билан бўлади: ростгўйлик, сир саклай олиш, аҳдга вафо, самимият ва омонатдорлик.
- Агар қилган яхши амалинга махлиё бўлиб қолишдан хавотир олсанг, Кимнинг

розилигини истаётганингни, кандай неъматга интилаётганингни ва кандай азобдан сакланаётганингни ёдга ол! Кимда-ким ана шу ҳақда фикр юритса, амали арзимас кўришиб қолади!

- Олимнинг зое бўлиши ёр-дўстларсиз қолиши, жохилнинг зое бўлиши эса аклининг кискалигидир. Нодонларни дўст тутган кимса ҳар иккисидан ҳам зое бўлувчирокдир.
- Дунёга кўнгил берманг. Зеро, зоҳидлик зоҳид учун гўзал аёлга гўзал тақинчокдан ҳам ярашиброк туради.
- Кайси осмон менга соя солиб, кайси ер мени кўтаради, агар Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг битта ҳадисларини билиб сўнг уни ташлаб кетсам.
- Качон бир саҳих ҳадисни ривоят қилиб, сўнгра уни амалга олмасам, билингларики, мен ақлдан озибман.
- Аллох қалблардаги кечинмаларни кечирди. Амаллар ва сўзлар ёзилади.
- Илм талабига ва қамондан ўқ отишга қаттиқ муҳаббат қўйдим. Мерганликда шундай мартабага кўтарилдимки, ўнтадан ўнтани аниқ урар эдим.

## Таврия

Аббосий халифалардан Хорун Рашид даврида мўътазилий оқими қучайиб кетди. Бишр Марисий уларнинг етакчиларидан эди. Имом Шофеийнинг қўлларига қишан солиб олиб келишди.

-Қуръон ҳақида нима дейсан, эй қурайший? – сўради Бишр.

-Мени назарда тутяпсанми? – савол берди Шофеий.

-Ҳа!

-Махлук!

Имом Шофеийни қўйиб юборишади. Аҳвол ёмонлашиб, фитна қучайганини сезган имом Богдоддан Мисрга қочиб кетади.

Бишрнинг саволига имом Шофеий ўзларини назарда тутиб “Махлук” деб жавоб берди. Чунки ундан аввал “Мени назарда тутяпсанми?!” деган эди.

Шоирнинг ҳаёти, шеър машғулоти  
Ярашмас олимнинг шаъни, шахсига,  
Йўкса, хира тортиб Лабиднинг оти,  
Биринчи бўлардим ашъор баҳсида.

Мухаллаб уруги, Язиднинг қавми,  
Қўрмаган шижоат бўлиб одатим.  
Шердек олишардим, арслон мақоми,  
Меники бўларди, зўр жасоратим.

Роббим Аллох эрур, Раҳмон Раҳим,  
Ахир У яратган бутун оламни.  
Қўркуви бўлмаса Улуг Илохнинг

Кулим хисоблардим барча одамни.

\*

Кунларнинг турфа хил ишларин сўкиб  
Сикилма, тақдирда хаммаси тайин.  
Тунлар келар баъзан мусибат тўкиб,  
Улар хам ўткинчи чўзилган сайин.

Кўркув, хавотирни қарши ол дадил,  
Мурувват ва мардлик бўлсин одатинг.  
Инсон хатокордир, на хожат далил,  
Якин хислатларинг зўр саодатинг.

Саховат-жўмардлик айбларни ёпар,  
На кайгу, на кувонч доимий эмас.  
Бугун гам чекканлар эрта бахт топар,  
Холатлар муваккат, собитлик абас.

Хатто душманингга хорлик тилама:  
Бировнинг гамидан севинмок – ёмон.  
Бахилдан яхшилик кутма, ўйлама:  
Ташнага сув бўлмас олов ҳеч қачон.

Ризкинг кўпаймайди, камаймайди ҳам,  
Ўлчовли дунё бу, шошмоқлик бекор.  
Каноат эгаси бўлган ҳар одам  
Давлатли моликлар билан баробар.

Ўлим эшик қокиб келса, дафъатан,  
Кайси ер саклайди, айт, кайси осмон?!  
Аллохнинг кенг ери бўлса-да ватан,  
Тақдирнинг тор куни тораяр осон.

Дунё ҳеч кимсага қилмайди вафо,  
Ахир топилмаган ўлимга даво.

\*

Беписанд жилмайиб кўймагин зинхор,  
Дуо мохиятин англамай тугал.  
Сен қайдан биласан бу қандай изхор,  
Илохий ижобат инар қай маҳал?

Коронгу тунларнинг таранг тортилган  
Камони адашмас асло нишондан,

Факат хар нарсага вақт ўрнатилган,  
Пайт етар, бир лахза ўтмас ўшандан.

Аллох иродаси билан дуолар  
Баъзида бир муддат сокин-бетаъсир.  
Сўнг бирдан очилар унга самолар,  
Ижобат вақтидир – илохий тақдир.

\*

Имом Шофеий айтади: “Ёр-дўстлар суҳбатидек сурур ҳам, уларнинг фирокидек гам ҳам бўлмайди. Юртидан айрилган гариб эмас, балки дўстидан жудо бўлган хақикий гарибдир”.

Хасрат чекиб гам-аламнинг йўлларида  
Дўстларидан ортда қолган жонга оғир,  
Агар умри бўлганида қўлларида,  
Улардан сўнг яшамасди у ҳам ахир.

\*

Аёллар хақида турфа ривоят,  
Дерлар: Аёл ишки – балои азим,  
Гарчи эл ичида машхур бағоят,  
Хақикий мусибат бошка, азизим.

Сенга ёкмайдиган айрим кимсалар  
Айрим ҳолатларда бўлар улфатинг.  
Агар тушунсалар, агар билсалар,  
Уларнинг суҳбати энг зўр кулфатинг.

\*

Хабиблари хижронига ҳозир турсинлар,  
Узоқ умр кечирини тама қилганлар.  
Сабр совутини қийиб собит бўлсинлар,  
Дунё хаётини чиндан афзал билганлар.  
Охир бориб душманларга тиланган қунлар  
Илвираган танангизни ямлаб яқунлар.

\*

Каршингда икки иш икки ҳолатда,  
Қай бири хақиқат, қай бири ёлгон?  
Нафсингга ёккан иш ёмон одатда,  
Гуноҳни ҳуш қўрар негадир инсон.

\*

Дунёда нодоннинг иши кўп ажаб,  
Бирон фазли бўлса, бошингга чикиб,  
Нутк ирод килади воизга ўхшаб.  
Оддий бўлса мендек, бор-йўк ахволи  
Кўча чангитади бола мисоли.

\*

Музаний айтади: Имом Шофеий ўлим тўшагида ётганида хузурига кирдим:

-Эй Абу Абдуллох, ахволингиз кандай?

Имом бошини кўтариб деди:

-Дунёдан ўтувчи, ёр-дўстларни ташлаб кетувчи, ёмон амалини кўрувчи, Аллох хузурига борувчи бўлиб турибман. Рухим жаннатга борадим, уни табрикласам, жаханнамга тушадими, унга таъзия изхор килсам, билмаяпман.

Сенинг билан калбда ором, хидоятдир,  
Кифоямсан, факат Сен-ла кифоятдир.  
Мухаббатинг раво кўрсанг, дунё гами  
Канча бўлса, бир арзимас шикоятдир.

\*

Махзун калбим гам-аламдан ок тортади,  
Уйку келмас, бу дард билан ором галат.  
Майли, кимлар истамайди, тош отади,  
Бугун битдим хабиб учун бир рисолат.

Ок либоси кизил кони билан алвон,  
Бўғизланди на айби бор, на гунохи.  
Гаддор килич синиб тушсин, найза нолон,  
Тулпор отлар кишнамасин, тортсин ёху.

Мухаммаднинг ахли байти-хонадони  
Дучор бўлди айна пайти мусибатга.  
Соков тоғлар эриб окди ва дунёни  
Титрок тутди, хол колмади хеч саботга.

Само чироклари лип-лип учиб ўчди,  
Шармисорлик ошкор-аён, ёка вайрон.  
Отасига салот айтиб кимлар кўчди  
Ўлдиргани фарзандини, акл хайрон.

Айб саналса ахли байтга мухаббатим,  
Бундай гунох учун тавба эмас лозим,



Киёматда улар дўстим, шафоатчим,  
Огир Кунда хайрихохим, чин мулозим.

\*

Бахайбат арслонлар очликдан ўлар,  
Итлар нимталайди жайрон танасин.  
Баъзида ипакка бурканиб куллар,  
Тошдек ерда ётар беклар боласи.

\*

Кўксимдаги олов ўчди, кул колди,  
Магрур бошгинамга ок киров тушди.  
Коронгу кечалар куюк тус олди,  
Сочимда ок шуъла ёнди, ёришди.

Коп-кора кушларим кетдилар учиб,  
Бошимга бойўгли келиб ин курди.  
Хароба ахтариб, хар ерга кўчиб  
Юрган шум уйимнинг нурашин кўрди.

Чаккамни коплади оппок толалар,  
Уларни хинога бўяш беҳуда.  
Энди маишатдан махзунлик колар,  
Хеч нима татимас, ахир кеч жуда.

Навкирон чогингда барча лаззатинг  
Сеники туюлар дунё рохати.  
Бугун ўтиб кетди, битди иззатинг,  
Кўз хоргин, ранг сўлгин, йўк малохати.

Бас, ёмон ишлардан, хор килмишлардан,  
Халос бўл, хотиржам, халол нафс каби.  
Закот олингандек зар-кумушлардан  
Закот бер мавкедан, обрўдан, инсон.

Кўл остингда канча озод одамлар,  
Уларга яхшилик – энг зўр тижорат.  
Хеч қачон ташлама кибор кадамлар,  
Тупрок собик киборлардан иборат.

Хаётнинг аччигу, чучугин тотдим,  
Гохида кенгчилик, гоҳ ахвол хароб.  
Шунча яшаб, битта хакикат топдим:  
Дунё ёлгон экан, алдамчи сароб.

Итлар куршовида бадбўй ўлакса,  
Бир четда турганлар саломат колган.  
Унга кўл узатган хар қандай кимса,  
Талашмок хорлигин бўйнига олган.

Ховлисига кириб, холини билиб,  
Кўча эшигига катта кулф илиб.  
Ўтирган инсонга хавасим келди,  
Тагин пардасини кўйган тушириб!

\*

Холи колдим деб ўйлама: Кузатгувчи мудом хозир,  
Бирон нарса махфий колмас: кўрар Рахмон, билар Собир.  
Аксинча, биз гафлат босиб, гуноҳ гирдобиди колдик,  
Шояд тавба насиб этса, мағфур килса бизни Гофир.  
Хаёт хаёлмисол ўтди, эътибор бер, кўзингни оч,  
Эртанги кун жуда якин, борар мўмин, борар кофир.

\*

Айтиб кўйинг мунажжимга гап бошласа юлдузлардан,  
Унинг хабарлари ёлгон, ҳукм катъий, тайин тақдир.  
Ким фол кўрса келажакдан, кечалардан, кундузлардан,  
Мен гувоҳман: каззобдир у, билинг, шаходатим ҳақдир.

\*

Имом Шофеий айтади: “Дунё мухаббатига мағлуб бўлган кимса дунё ахлига бўйсунмишга мажбурдир. Ким каноат килса, тобеликдан халос бўлади”.

Мухаббат давомий бўлмоғи учун,  
Кечириб яшашга кўникмок керак.  
Газабим кўзгалса, - газаб бир учкун, -  
Сўз котма, сабр кил, жим тургин демак.  
Мехрнинг ёнида турса озор ҳам,  
Кўнгилда мухаббат топади бархам.

\*

Сикилма юзингга эшик ёпсалар,  
Сен учун бошқаси очилар, кутгин.  
Баъзан енгил ишни огир топсалар,  
Тор йўллар кенгайиб кетади буткул.

Кон ютиб, безовта бўлма бехуда,

Кўркув-хавотиринг фойда бермайди.  
Майли, гамда яша, майли, кайгуда,  
Асли мусибатинг шунча турмайди.

Коп-кора булутлар тўсди осмонни,  
Бошингга тушмади бир совук томчи.  
Ризкнинг ўзи келар топиб инсонни,  
Елиб югурганинг ёлгон ёлгончи.

Ишинг тушиб колса инсон зотига,  
Минг хил услуб билан сендан кочарлар.  
Роббим барча мухтож махлукотига  
Очикдир, юзланса улар қачонлар.

Умидвор бандаси топар иноят,  
Зиёда фазл бир кўлин чўзганга.  
Аллох мархамати кенг бенихоят,  
Ундан ўзгалардан умид узганга.

Кўлдан кетганига куюнма дардчил,  
Рози бўл, Роббингдан ажрлар сўра!  
Қанча зийрак бўлма, қанчалар эпчил,  
Сенга ёзмагани етмайди сира.

Такдирда борини тўсолмас одам,  
Йўқ бўлса, ҳеч қимса қилолмас пайдо.  
Хашамат – хатарли, зийнат – шум кадам,  
Унинг мухлисига омонлик қайда?!

Захарли ўқларга бўласан нишон,  
Қаршингда ҳалокат, бир гирдоб тезоб.  
Ҳар ишда қамтар бўл, сўзимга ишон,  
Сенинг замонангнинг чин номи азоб.

Кўпайиб кетмасин таъна-ю дашном,  
Ҳамиша боридек турмогинг махол.  
Инсонлар кетдилар, қолди қурук ном,  
Итлар эга қикди иззатга дархол.

Разиллар қаршингда туради қулиб,  
Таслим-тавозеси – таъна-маломат.  
Яхшилик ажралмас ҳислатинг бўлиб,  
Жон саклашга урин, қолгин саломат.

Қим қочиб қутилса, Аллохнинг фазли,  
Йўқса, хато билан ҳақнинг ораси.

Нафсга хуш келган иш бўлар гаразли,  
Махкам тур, йўк унинг ўзга чораси.

Мудом ўйлаб гапир, чунки хар бир сўз,  
Ўзининг жавоби билан яшайди.  
Баъзан оддий хазил, ёкимли хам соз,  
Кимнингдир кўнглини тилиб ташлайди.

\*

Хамманинг бошида гам бор, алам бор,  
Азадор хонадон якинми, йирок,  
Кўнгил сўрамоклик, бермок эътибор,  
Одобдир, инсофдир хакни ўтамок.

Амаллаб бўлса хам бориб сўра хол,  
Ўринсиз узрдан шуниси маъкул.  
Ёлгон бахонага ишонмок махол,  
Калбдан ўтганини ўйлайди окил.

\*

Мен афзал биламан гўзал хулklarни,  
Маломат килмайман, истамайман хам.  
Юрмасман ҳеч қачон сўкиб халklarни,  
Ёмон сўзлар ёмон одамларга тан.

Хар ишнинг, хар сўзнинг жавоби бор деб,  
Зийрак яшаганлар омонлик топган.  
Кўнгил овловчилар кўнгил гамин еб,  
Ҳақиқат йўлини буткул йўкотган.

Хурмат килган киши хурмат кўради,  
Яхшиларни хорлаб азиз юрмайсан.  
Садокат ортида вафо туради,  
Ҳакка хилоф бўлиб, хайр кўрмайсан.

\*

Юртларни тўхтамай айланиб юриб,  
Кўзлаган касдимга ахир етаман.  
Куним битса, ишим битмасдан туриб,  
Демак, гарибликда вафот этаман.

Аллохим охирим хайрли килсин,  
Жон берар чоғимда такрор айтаман.

Агар омон бўлсам, азизлар билсин,  
Шу якин кунларда аник кайтаман.

\*

Бир куни имом Шофеийдан савол сўрашди. Имом жим колди.  
-Аллох Сизни раҳматига олсин, жавоб бермайсизми? – дейишди.  
-Сукут килганим афзалми ёки жавоб берганим, шуни ажратиб олмокчиман! – деди имом Шофеий.

Майли, хакорат кил, майли, тош отгин,  
Маломат ахлига жавобим сукут.  
Жавоб кайтарсам ҳам бўлади, лекин,  
Арслон киё бокмас, хурса, хураар ит.

\*

Жохил хитоб килди жохилларга хос,  
Жавоб кайтармокни топмадим лозим.  
Жохилга жаҳолат, бизга хилм мос,  
Увд ўтда ёнмаса, хуш бўй таратмас.

\*

Аёлимни каттик яхши кўрардим. Унга караб дедим:

Каттик яхши кўрсанг, кўйсанг муҳаббат,  
Махбубанг севмаса, бу ҳам мусибат.

Шундай жавоб берди:

Хар куни кўйида канча ишк изхор,  
Аммо киё бокмас сенга дилозор.

\*

Адиблик ҳақкидан гофил кимсалар,  
Даврасига тушиб гувоҳи бўлдим.  
Ажаб, бошни думга алмаштирсалар,  
Гаройиб савдолар, гариб нусхалар.

Шаклу шамойилда ўхшаш ҳалойик,  
Фарқлидир ақлда, ишда, одобда.  
Олтин қаршисида мис хор, нолайик,  
Гарчи улар бир хил ёнар офтобда.

Увд хуш бўйи билан афзал ёгочдан,  
Ўзгача фаркланмас тол, кайрагочдан.

\*

Дунё фарзандини хўб синаб кўрдим,  
Тириклик тўрваси тўла хасислик.  
Каноат киличин киндан сугурдим,  
Ва урдим, узилсин тама-харислик.

Эшигинг тагида ёки йўлингда  
Мени учратмайсан, хотиржам бўлгин.  
Бойлик кўнгилдадир, эмас кўлингда,  
Дунёдан юз бурган бой бўлар, билгин.

Кимлардир зулмни касб килиб олди,  
Кабих килмишида хаддидан ошиб,  
Сабр кил, унга ҳам озгина колди,  
Кутилмаган бало келмоқда шошиб.

Юлдузни бенарвон урмоқчи бўлган,  
Тугёнга берилган гаддор ёмонлар  
Гафлатда юганда мусибат келган,  
Килча кўринмаган ўтган замонлар.

Энди на давлат бор, на обрў-викор,  
Топилмас хасанот – хайр томчиси.  
Кечаги феълидан бугун эътибор,  
Ёгилди Аллохнинг азоб камчиси.

\*

Губорли осмонни коплади булут,  
Ташна тупрок тўйди оби рахматга.  
Атрофга сочилиб кетган хароб юрт  
Тикланди, гариблар кайтди элатга.

Аллохдан умидвор мухтож инсонлар,  
Кутганидан ортик инъомлар олди.  
Роббим ато этди имкон-эхсонлар,  
Суйган суюклиси ёнида колди.

\*

Окил хуш кўрмайди ўтрок хаётни,  
Бир ерга ёпишма, килгин саёхат.

Тарк эт нарсаларни, манзур холатни,  
Яхширок эваз бор, кенгрок саховат.

Сени чўчитмасин турли тўсиклар,  
Хаётнинг лаззати машаккатдадир.  
Турган сув айнийди, босиб балчиклар,  
Унинг софлиги соф харакатдадир.

Арслон ўлжасини узок излайди,  
Камондан отилиб чикиб кетар ўк.  
Хеч бир жон куёшдан малол сезмайди,  
Чунки у сузади, унга тўхташ йўк.

Арслон уясидан, пайкон камондан  
Чикмаса, ўлжани тута олмайди.  
Куёшнинг тафтидан биров толмайди,  
Чунки у сузади, тўхтаб колмайди.

Тупрокнинг тагида тилла тош каби,  
Увд оддий ўтиндир ўсган ерида.  
Иккисининг кадри, асл матлаби  
Асл маконидан айрилганида!

\*

Сабр кил, ўзгармас дунё сиёки,  
Мол-мулк мусибати, хабиб фироки.

\*

Хорлар хакорати холимдан пастдир,  
Уятдир уларга баробар бўлмок.  
Иззат-нафсим кўйса, огир эмасдир,  
Шаънимни ганимга топташга бермок.

Фойдамни кўзласам, нафсимни сийлаб,  
Матлабим йўлида чекланар эдим.  
Бирок мен яшайман сохибим ўйлаб,  
Дўстлар оч колганда тўймок ор дедим.

\*

Имом Шофеий айтади: “Нодон ва ноинсоф кимсаларга якин юрманглар”.

Нодонга энг яхши жавоб сукутдир,  
Жимликдан жон берар, сўздан яшнайти.

Жим турдим, холбуки жавоблар кўпдир,  
Жохил жавобимиз билан яшайди.

\*

Одамлар бир-бири билан яшайди,  
То хаёт бор экан, бордир мулокот.  
Гохо омад кулиб, бахтинг яшнайди,  
Шамолдек ўтади кенглик-фарогат.

Халкнинг хожатини чикармоқ, билсанг,  
Яхшиларнинг яхши аломатидир.  
Мудом яхшилик кил, кўлингдан келса,  
Шукур кил, бу инсон камолотидир.

Сени мухтожликдан саломат саклаб,  
Бировлар хожати сенга тушибди.  
Мархумлар эсланар тирикдек йўклаб,  
Кимлар эл наздида тирик ўлибди.

\*

Дунё козилари – ахли залолат,  
Топганлари факат хасрат-надомат.  
Динларини дунё учун сотдилар,  
Бу кандай зиёнкор, ёмон тижорат.

\*

На ортикча моли ва на фарзанди,  
На кўлдан кетганга куюнмайди у.  
Камтар хаётида илм арзанда,  
Ибодат ва сукут – асосий кайгу.  
Ёлғиз ўзи яшар, юки кўп эмас,  
Хеч қачон йўқотдим, алдандим, демас!

\*

Истагинг сахийдан саховат бўлса,  
Аллохнинг уйини кургандан кидир.  
Мехмонни сийлайди тиригу ўлса,  
У – арслон: худудин асрашга кодир.

\*

Жим туриб, жим юрган канча одамлар,



Пулнинг таъсиридан тилга кирдилар.  
На бировга шафкат килдилар улар,  
Ва на яхшиликнинг кадрин билдилар.

Гапини тополмай юрган кимсалар,  
Дунё топганида тиллари бийрон.  
Хакикий инсонни танга-чакалар,  
Сўзамол килмайди, бўлмагин хайрон.

\*

Пайгамбар авлоди якинларимдир,  
Ишончли василам, нурли хитобим.  
Умидим ўшалар сабабли такдир,  
Узатса ўнг томонимдан китобим.

\*

Камчилигим ёпиб, хайрихох бўлган,  
Хар ишда ҳамкорлик килган йўлдошим,  
Дунёдан ўтсам ҳам ёнимни олган:  
Биродарим менинг, чин елкадошим.

Агар шундай дўстни бир кун учратсам,  
Тенг бўлиб берардим бор хасанотим.  
Биродарлар бисёр, бироқ жуда кам,  
Ишончга сазовор ахли саботим.

\*

Сабр кил устозинг озорларига,  
У сени илмга, хакка бошлайди.  
Хабар бер озордан безорларига,  
Бир умр озордан кўзин ёшлайди.

Ким ёшлик чогида тахсил олмаса,  
Унинг жанозаси ўкиб кўйилган.  
Йигитда илм ва такво бўлмаса,  
Олийнасаблиги бекор дейилган.

\*

Кек сакламай кечиришга ўргандим,  
Жоним ором олди адоватлардан.  
Душманнимни кўриб салом бергандим,

Сог колдим ёмонлик, разолатлардан.

Нафрат-газабимни ошкор килмасдан,  
Мен пешвоз чикаман очик юз билан.  
Мухаббат тугилмас якин бўлмасдан,  
Халкнинг якинлиги огир дард, ишон.

Дўстлардан саломат колмоқлик махол,  
Душман кандай килиб сени тинч кўяр?!  
Окил душманидан сўраркан ахвол,  
Нафрати устидан меҳрни кияр!

\*

Кимга ҳақким ўтди, кимга хизматим,  
Улардан розиман Аллох йўлида.  
Махшарда мўминга йўқ хусуматим,  
Ва на Муҳаммадга ислом элида.

\*

Мурувват ахлини этгани маъмур  
Кўлимда давлат йўқ, огрийди жоним.  
Сўраб келган дўстлар кўрсинлар маъзур,  
Мушибатим менинг ночор имконим.

\*

Меҳмонинг уйига кайтганда ундан  
“Кандай бориб келдинг?” – савол сўрарлар.  
“Тўлкинланиб оккан Фуротдан ўтдим,  
Сувга конганим йўқ”, - дерми ёронлар?

Эҳтимол айтади: “Сигмади кўнглим  
Чўккили тоғларнинг кенг дарасига,  
Фақирлигимга мос меҳрибонлигим,  
Коса гувоҳ сувнинг чанг-заррасига”.

Сўзларим садафдек, шеърларим олмос,  
Тепалик бағрида яшнаган гулбоғ.  
Хушбўй гунчалари чиройига мос  
Шудрингли майсалар ок ипак белбоғ.

Истеъдодли шоир бир аждар эрур,  
Шеър эса захарли сўлақларидир.  
Улар адовати огир дард берур,

Шифосига Карим Хаким керакдир.

\*

Банда ожиз колган канча гам-ташвиш  
Ёзилган кунда кетар ёзилиб.  
Мен умид узгандим, огир эди иш,  
Нажот етди, кетди гамлар узилиб.

\*

Имом Шофеийдан сўрашди:

-Сабр, бало-имтихон ёки хотиржамлик. Мана шу учтасидан кай бири афзал?  
-Хотиржамлик набийларнинг мартабаси ва у бало-имтихондан кейин бўлади. Балоларга сабр килиб хотиржамлик мартабасига эришиш мумкин! – деб жавоб берди имом.

Чиройли сабр кил, оппок тонг якин,  
Хар ишда Аллохни ўйла, ютасан.  
Содик бандалари саломат-сокин,  
Кандай гумондасан, шундай топасан.

\*

Рабе ибн Сулаймон айтади:

Шофеийнинг хузурида ўтирган эдик. Кимдир бир парча коғоз кўтариб кирди. Имом коғозга назар ташлаб табассум килди-да, бир нималарни ёзиб, халиги одамга кайтарди. Шофеийдан бир масала сўралиб, унга жавоб ёздилар экан-у, биз беҳабар қоламизми?! Ўша одамга етиб олиб, кўлидаги коғозни ўқидик. Унда куйидагилар ёзилган эди:

Маккалик муфтийдан сўрангиз, айтсин,  
Муштокнинг кучмоги гуноҳми, кайтсин?

Кейин имом Шофеий ёзган жавобни ўқидик:

Кўркаман таквога хилоф деб, дўстим,  
Ярадор аъзолар тегмасдан турсин.

Имом Шофеийнинг ёш йигитга шундай жавоб ёзганига ишнолмадим.

-Эй Абу Абдуллох! – дедим унга. – Бир ёш йигитга шундай фатво берасизми?  
-Эй Абу Мухаммад! Бу хошимий йигит мана шу ойда, яъни Рамазонда ўланган. У мендан “Рўздор аёлини ўпиб-кучокласа бўладими?” деб сўради. Унга юкоридаги жавобни ёзиб юбордим! – деди имом Шофеий.  
Мен ўша йигитни ҳам топиб гаплашдим. Хаммаси имом айтганидек бўлиб чиқди.  
Имом Шофеийдек ўткир фаросатли кишини учратмаганман.

\*

Хам факих бўлгин, хам ахли тасаввуф,  
Факат бири билан чекланма зинхор.  
Факихлар каттик калб, каттик тасарруф,  
Сўфийда илм йўк, жахолат бекор.

\*

Имом Шофеий айтади: “Сўз учун сукутдан, хулоса учун фикрдан кувват олинглар”.

Карши чикканларга жавоб бермадим,  
Дедилар: “Жим турдинг”, дедим: “Эй дўстим,  
Ёмонлик эшиги томон юрмадим,  
Жавобим калитдир, мен уни тўсдим”.

Жохилларга сукут килмок шарафдир,  
Шаънинг булганмайди, ўзинг саломат.  
Хайбатли арслонлар жимлик тарафдир,  
Кўппаклар шовкини итдан аломат.

\*

Тошдек уругларни чакиб яшамок  
Ва ичмок шўр сувни дала-тузлардан,  
Нафсга бўйсунгандан кўра яхширок,  
Сўрашдан яхширок совук юзлардан.

\*

Гам-ташвиш ортикча: голибдир такдир,  
Лавҳда битилгани аник деб ишон.  
Бахтиёр бўлмокнинг сабабин кидир,  
То тирик экансан, ноумид инсон.

\*

Имом Мухаммад ибн Идрис Шофеий Яманда амир бўлиб турган кавмдоши хузурига борди. Бир неча кун тургач кетишга изн сўради. Амир имомга озгина нарса таклиф килди ва узр сўраб ёзиб юборди. Имом Шофеий ўша когозга куйидаги мисраларни ёзиб кўйди:

Сенинг мархаматинг аслига хилоф,  
Максадинг шу тарзда кутулмокми, айт.  
Тилинг саховатдан урганида лоф,  
Бу сифат кўринмас кўлингда бу пайт.

Кариндошинг узок, бегона якин,

Шу боис акрабо ёнингда эмас.  
Сенга раҳм килиб келгандим, лекин,  
Хайронман, кай таъриф холатингга мос.

Мактов хохлайсанми ёки маломат,  
Дейсан шунча кенглик, кенг уй, асл зот.  
Бугун ўзга ўлчов, ўзга иморат,  
Нима аждодга хос, барчаси барбод.

Амрдан шундай жавоб келди:  
“Ота-онам Сизга фидо бўлсин, албатта, Сиздан яхши гап эшитишни хохлайман.  
Юмушларингиз учун беш юз динор, нафакангиз учун беш юз динор, ўнта Яман либоси ва  
иккита туя жўнатдим.. Вассалом”.

\*

Бир кунлик егулик – бор-йўк ташвишим,  
Ортикча гам чекиб кўнглим бўлмас тор.  
Эрта билан менинг йўк сира ишим,  
Ахир янги куннинг янги ризки бор.

Роббим нима деса, бошим эгаман,  
Хошишни ташлайман, хохласа Раҳмон.  
Айтинг, мен нимага ўзи эгаман?!  
Айтгани айтгандир, айтганим гумон.

\*

Хайратдаман осийлардан Холикини инкор қилган,  
Хар собиту сайёралар бор деб турган, бир деб билган.  
Еру осмон далолатдир тавхидининг тасдиғига,  
Ундан ўзга илох йўқдир маъбудликка ҳақли бўлган.

\*

Гуноҳ-маъсиятни берилиб қилдинг,  
Сўнг дахшатга тушдинг жавобин ўйлаб.  
Нахот Яратганинг афвини билдинг,  
Неъматлар ёғилди, эркалаб, сийлаб.

Бир парча гўшт эдинг, ожиз, нотавон,  
Қамолинг илохий раҳмат тасдиғи.  
Оловда ёқмоқни хохласа ҳамон  
Қалбингдан жой олмас эди тавҳиди!

\*

Хасад килувчилар хамиша хозир,  
Хеч қачон саногии камайгани йўқ.  
Менда мавжуд нарса хасадга арзир,  
Улар киёслайди ким нимадан тўқ.

\*

Маили, қўшним бўлсин кўтир кўппаклар,  
Кўриб турганларим кўринмаса, бас.  
Итлар жим ётади, кимдир етаклар,  
Бошсиз оломондан тинчимок абас.  
Жонингни олиб коч, хилватга ўрган,  
Ёлғиз яшаганлар бахтиёр бўлган.

\*

Юсуф ибн Абдулахад айтади:  
Музанийдан “Шофеий икки мисра ўкиб юрарди. Улар қандай байт эди?” деб сўрадим.  
Музаний куйидаги мисраларни ўкиди:

Хамма “Сўраганим берилса”, дейди,  
Аллохнинг хохиши голиб, аввалдир.  
Инсон мол-манфаат гамини ейди,  
Такво хар нарсадан унга афзалдир.

\*

Бир киши имом Шофеийнинг хузурига келиб, “Аллох Сизни ислох қилсин, фалончи биродарингиз бетоб ётибди”, деди.  
-Аллохга касамки, Сиз менга яхшилик қилдингиз! – деди имом, - Яхши ишга уйғотдингиз ва ёлгон соя соладиган узрдан халос этдингиз.  
Хизматқорига оёқ кийимини келтиришни буюрди.  
-Жазирама иссиқда, жонинг оғриб турганида қорнинг оч, ялангоёқ юриб бормок биродарингга ёлгон аралаштириб узр айтмоқдан енгилроқ! – деди имом Шофеий.

Хакни адо этмок асли лаззатдир,  
Қасддан қилмаганлар қолар қийнаиб.  
Ростгўй бўлиб турмок олий иззатдир,  
“Билмадим”, дейсан гох оғир ўйланиб.

Яқинларинг ёхуд дўстингдан кейин,  
Қўшни ҳаққин билсанг, юрсанг авайлаб,  
Эл ичра ҳурматинг ошар қун сайин,  
Ўлимингда ҳамма қелар атайлаб.

\*

Имом Шофеий айтади: “Одамлардан саломат колмок имконсиздир. Бинобарин, ўзинг учун хайрли бўлган амални топиб, уни маҳкам тутгин”.

Таниш-билишларим бўлди саноксиз,  
Дердим: Икки кўлим хайрга тўлди.  
Алдамчи дунёдек экан ишончсиз:  
Огир кунда улар тириклай ўлди.

Ортимдан ёмонлар энг ёмонлари,  
Яхшилари бемор бўлсам келмаслар.  
Бахтимдан сиқилар, йўк имконлари,  
Гамимдан куларлар, кайгу сезмаслар.

\*

-Мухтож бўлмасангиз ҳам нега кўпинча асо тутиб юрасиз? – сўрашди Абу Абдуллох Мухаммад ибн Идрис Шофеийдан.  
-Мусофирлигимни унутиб кўймаслик учун! – деб жавоб берди имом.

Улуг ишлар учун юртларни кезгин,  
Бешта фойдаси бор, йўқдир кулфати:  
Ташвишинг арийди, кенгликни сезгин,  
Илм, одоб ҳамда солих суҳбати.

Десалар: “Сафарда кутар машаккат,  
Чўллардан ўтасан, чарчайсан”. Бирок,  
Хорлик ховлисида фосик, бешафкат  
Кимсалардан кўра ўлим яхширок.

\*

Рабе айтади:  
Ашхаб ибн Абдулазизни (мисрлик факих) сажда килиб “Эй Аллох! Шофеийнинг жонини олгин, Моликнинг илми йўк бўлиб кетмайди”, деб дуо қилаётганини кўрдим. Бу гапдан хабар топган имом Шофеий куйидаги сатрларни битди:

Кимлар ўлимимни согинди узок,  
Ахир мен бу йўлда эмас ягона.  
Балки, ажалингиз сизга яқинрок,  
Ўлимим тилайсиз куйиб пинхона.

Кўркасизми ёки оддий гумрохсиз,  
Хамма каби мен ҳам бир кун ўтаман.  
Ганимим хаёти буткул зарарсиз,

Гўё сиз ўлсангиз колиб кетаман.

Ўлим вақти томон сокин оқади,  
Кутмаган пайтингиз келади кириб.  
Кимга ўтган куннинг акси ёқади,  
Шай турсин, бошкаси келар бостириб.

\*

Шоирнинг хаёти, шеър машгулоти  
Ярашмас олимнинг шаъни, шахсига,  
Йўкса, хира тортиб Лабиднинг оти,  
Биринчи бўлардим ашъор бахсида.

Мухаллаб уруги, Язиднинг кавми  
Кўрмаган шижоат бўлиб одатим.  
Шердек олишардим, арслон макоми,  
Меники бўларди, зўр жасоратим.

Роббим Аллох эрур, Рахмону Рахим,  
Ахир У яратган бутун оламини.  
Кўркуви бўлмаса Улуг Илохнинг  
Кулим хисоблардим барча одамини.

\*

Дерлар: “Рофизийсан, бизни тарк этдинг”,  
Дедим: “Рофизийлик менга бегона,  
Набий авлодининг дўсти деб айтинг,  
Мухлиси деб айтинг Хакнинг ягона”.

Агар ёмон бўлса шундай мухаббат,  
Десалар “Рофизий, ажралиб колган”,  
Сизнинг дўстингизман азиз ахли байт,  
Сиздан бошкаларга “рофизий” бўлган.

\*

Ганиминг, эхтимол, бир кун дўст бўлар,  
Хасадгўй ўзгармас, кўролмаёй ўлар.

\*

Бошида турса ҳам ўлим сояси,  
Беҳабар бечора хандон кулади.  
Агар билса гайбни, охир-гояси,  
Аламдан тиришиб, гамдан ўлади.



Эртага яшашинг, борлигинг гумон,  
Нима бўлишини Аллох билади.  
Шундай экан нега ноқобил инсон  
Индиннинг ризкини ташвиш килади.

\*

Имом Шофеий айтади: “Ҳеч қачон фақирликдан кўркмаганман”.

Бойлик хавасида кўлидан тутдим,  
Кўли очикликни юктириб олдим.  
Бадавлат бўлмадим, балки йўқотдим  
Кўлимда борини, кўл очик қолдим.

\*

Ҳақиқат ботилнинг бўлмади қули,  
Ҳақ билан тоғларни кўзгатмоқ мумкин!  
Уйнинг эшигидан кирмоқ маъқули,  
Эшикни кидиргин, адашма, лекин.

\*

Туганмас ташвишлар замона зайли,  
Байрам кунларидек қувончи нодир.  
Қазо-қазоларни қул қилди, майли,  
Ўзи тубанларга тобедир, хордир.

\*

Имом Шофеий айтади: “Илм ўрганмоқ нафл ибодатдан афзалдир”.

Қим илм ўрганса охирагани деб,  
Ҳидоят топади, топади қамол.  
Илм инсон учун энг ажойиб зеб,  
Шундай ҳосил бўлар устунлик, қамол.

\*

Ҳамминг бошида ҳар хил синови бор,  
Бир зайл қечмайди ҳаёт дегани.  
Содик дўст изладим ҳолис, бегубор,  
Меҳрибон борми деб ғамим егани.

Яхши-ёмон кунлар ўтди бошимдан,  
Охири ҳулосам аламли, оғир,

Одамлар севиначар кўзда ёшимдан,  
Кувончимдан эса диллари огрир.

\*

Имом Шофеий айтади: “Дунё талабгори ҳам, охират умидвори ҳам илм ўргансин”.

Тириклик ташвиши хар кўйга солди,  
Ўлим ҳам ортидан секин йўл олди.

Ажал энг шимарган, у кулаётир,  
Гайбни билгандами, бўлмасди ботир.

Эртанги хаётдан хабарсиз киши  
Индиннинг ризкими унинг ташвиши.

\*

Имом Шофеий хаж кунларида атрофни кузатиб ўтирган эди. Бир аёл келиб унинг олдига куйидаги мисралар битилган коғозни ташлади:

Ажралмас икки дўст, икки меҳрибон,  
Орасини бузди чакимчи гаддор.  
Аллохим афв этсин, кайси бир инсон,  
Уларнинг хаккига дуода бедор!

Имом Шофеий йиглаб юборди. “Бу томоша киладиган эмас, балки илтижо киладиган кундир!” деди-да, Аллохга дуо қилишга тушди. Шу қадар узок илтижо қилдики, хатто ёнида ўтирганлар таркалиб кетишди.

Ташвишинг таркалар айтсанг номини,  
Бечора банданинг Ёлғиз панохи.  
Хукмида тутуди бор аъмолини  
Хар ишнинг Эгаси Қодир Илохи.

Тенглардан Тоза Зот, ўхшаши йўқдир,  
Тирикдир, Қайюмдир, беҳожат Самад.  
Қўриб Тургувчидир, Қилгувчи такдир  
Мулқида Шериксиз, Аҳаддир, Аҳад!

Қимни нима билан қилар имтиҳон,  
Бўйсунган азиздир, инкор этган хор.  
Отасиз, фарзандсиз Ягона Раҳмон,  
Нуксондан холидир юз бора, минг бор.

Қалбимни қоплади гам-алам, ташвиш,

Ўзинг нажот бергин, бер менга имкон.  
Мархаматинг машхур, Сендан кушойиш,  
Мени кийнаб кўйди бу кайсар замон.

Нусрат, нажот, мадад Бергувчи Ўзинг,  
Осон килгувчи хам, Сабабчи хам Сен.  
Ёнгинамда турсин Ёруглик Сўзинг,  
Сенга талпинганга Сен хам Якинсан!

Якин-йироклардан умидим уздим,  
Рахмингга мухтожман, хулласи калом.  
Расулга, ахлига, эй, Пок Маъбудим,  
Салавотлар ёгдир, ёгдиргин салом!

\*

Агар дўст топмасам солих, такводор,  
Фосик сухбатидан ёлгизлик афзал.  
Ибодат киламан, бўлганман безор  
Ёмон сухбатдошдан, хилватим гўзал.

\*

Менинг тўрт ганимим, имтихоним бор,  
Иблис, дунё, нафсим хамда хавойим.  
Чийиллатиб ўкка тутар тўрт хамкор,  
Каерга беркинсин бечора олим.

\*

Илон ораласа, хамма хавотир,  
Мудом сергак турмок энг яхши тадбир.  
Сокин кунлар сени алдаб кўймасин,  
Тинч тунлар багрида балои кабир.

\*

Битар кўнгилсизлик асоратлари,  
Ёмон кунлар тезда кетади ўтиб.  
На гами ва на хуш халоватлари  
Тош котмас, коинот турмайди кутиб.

\*

Сизни ёмонлади биров бахузур,  
Дедилар: “Йигитга бундай хорлик ор”.

Дедим: “Уни кўрдим, сўради узр,  
Гуноҳдан надомат бизда эътибор”.

\*

Кўй ёки туянинг нобуд бўлиши,  
Уйнинг бузилиши – гам ўзига мос.  
Хакикий мусибат – Шахсинг ўлиши,  
Бу ўлим жамоат ўлимига хос.

\*

Имом Шофеий айтади: “Дўстининг дўстига ҳам дўст бўлмок чин дўстнинг аломатидир”.

Дўстларни кўпайтир имкон борича,  
Улар суянчигинг хориб-тойилсанг.  
Душманнинг бири ҳам кўп ўз холича,  
Окилга мингта дўст кам бўлар, билсанг.

\*

Гарчи кўрганларим менга ёкмайди,  
Хаётнинг ҳукмидан розиман лекин.  
Кунлар хиёнаткор, одил бокмайди,  
Мен – рози, у – каттол, яшаймиз секин.

\*

Номахрамга назар балодир, дерлар,  
Лекин, кўз тушиши одатий хислат.  
Баногоҳ нигоҳлар тўкнашиб кетар,  
Калблар хаё килсин, сакласин иффат.

\*

Узрни кабул эт, кил шунга одат,  
Хакикатдир, балки бир ёлгон ширин. “ёки” дейилса  
Кимлар зохирида килар итоат,  
Маддохлар кўнглида нафрат яширин.

\*

Сарандиб тоглари ёгдирсин дурлар,  
Такрур конларидан олтинлар оксин,  
То тирик эканман, насибам қувлар,  
Ўлсам бир парча ер жасадим ёпсин.

Химматим шохлардек хурман-озодман,  
Хорликни ўзимга ор деб биламан.  
Ризкимга розиман, тўк одамзодман,  
Зайд ёки Амрни нима киламан?!

\*

Каноат либосин эгнимга илдим,  
Номусим сакладим, кўйдим авайлаб.  
Дунё догда колди, мен уни билдим,  
Асосий куролин олди атайлаб.

Ўлим ва факирлик унинг мавзуси,  
Иккиси учун ҳам хозирлик кўрдим.  
Ўлимга Роббим ва афви орзуси,  
Факирликка сабр-саботни сурдим.

\*

Имом Шофеий Сурра ман роа (“Кўрган кўз кувнайди”) шахрига уст-боши бир ахволда кириб келди. Кийимлари увада, сочлари ўсиб кетган имомни кўриб музаййин яъни кишига оро берувчи хизмат килишдан бош тортди.

-Сиз бошка одам топинг! – деди у имомга жирканиб караб.

Музаййиннинг килигидан каттик таъсирланган имом хизматчисидан сўради:

-Ёнингда канча пул бор?

-Ўн динор! – жавоб берди гулом.

-Хаммасини манавинга бер! – деб буюрди имом Шофеий. Гулом музаййинга 10 динор берди. Имом оркасига ўгирилиб кетар экан, шундай деди:

Увада кийимим бир пулга киммат,  
Шу кийим ичида бебахо жоним.  
Унинг кичик кисми бутун бир миллат,  
Нафсидан олийрок, улугвор холим.

Ўткир тигли килич бир хил кесади,  
Майли, уни янги кинга солмаслар.  
Дунё ахволимдан кулиб эснади,  
Кин деб синдирилди, дами олмослар.

\*

Дунёнинг шунака имтихони бор,  
Суйганинг бошкани яхши кўради.  
Ёхуд сен яхшилик согинган гаддор  
Имкон тугилганда зарар беради.

\*

Бевафо дунёни багрига босиб,  
Кўйида туну тун югурган инсон,  
Хурларнинг висоли этади насиб,  
Ўткинчи хаётни кучмасанг, ишон.

Жаннатнинг абадий гулбогларида  
Абадий яшамок экан орзуинг,  
Дўзахнинг оловли кучокларига  
Кирмаслик асосий хаёт мавзуинг.

\*

Дунё икки кундир: омонлик, хатар,  
Хаёт икки турли: шодлик, кайгулар.  
Сувнинг юзасида жасадлар сузар,  
Денгизнинг тубида ётади дурлар.

Осмон тўла юлдуз кавкабистондир,  
Аник ададини биров билмайди.  
Куёшсиз кун, ойсиз тун зимистондир,  
Улардан бошқаси ҳеч тутилмайди.

\*

Ўзинг тушунмайсан, сўрамайсан ҳам,  
Ахир қандай билиб қолишинг мумкин?!  
Сенинг жаҳолатинг топганда барҳам  
Олимга қаршилиқ қилмасдинг, мискин.

\*

Гариблик ва сабрим ўйга толдирди,  
Химматим мактовли, кунларим ёмон.  
Шунча интилсам ҳам доғда қолдирди,  
Аллохнинг айтгани бўлар, бегумон.

\*

Туз билан арпа нон қавшаб, чўл кезиб  
Тонго ёхуд Дардур еригача бор,  
Тавалло қилмагин ўзингдан безиб  
Аллохдан ўзгага, юзингда губор.

\*

Замона зайлига юргин муносиб,  
Бирок кўнгил берма замон ахлига.  
Хилватни лозим тут бамисли рохиб,  
Хазир бўл меҳридан, кўз тут хайрига.

Хеч ердан топмадим бир содик хамроз,  
Яхши-ёмонини тарк этдим охир.  
Улугларнинг хайр-яхшилиги оз,  
Кичиклар сергунох, тавбаси огир.

\*

Имом Шофеий айтади: “Ирок сувини мактайдилар. Эркаклар учун Миср сувидан яхшироқ сув йўк. Мисрга келганимда бичиб қўйилгандек бемажол эдим”.

Мухаммад ибн Абдуллох айтади: “Имом Мисрга келиб фарзанд кўрди”.

Миср тупрогига талпиндим мушток,  
Ўртада кимсасиз биёбон кабир.  
Билмадим, ошиқдим бахтгами мутлок  
Ёки каминани кутади кабр!

\*

Имом Шофеий айтади: “Одамлар каломда нималар борлигини билганларида эди, ундан шердан кочгандек кочган бўлардилар”.

Сукутим савдонинг ишончли моли,  
Фойда килмасам хам, зарардан холи.  
Эрларнинг наздида сукут сармоя,  
Сукунат савдоси киммат бахоли.

\*

Имом Шофеий айтади: “Калом либосини кийган бирон кимса зафар кучмаган”.

Одамлар тилидан сог колмок махол,  
Хатто Набий бўлсин, танланган, тохир,  
Жим турсанг, “соков” деб сўкарлар дархол,  
“Вайсаки” атарлар ким сўзда мохир.  
Кундузлар рўзадор, кечалар коим,  
Бечорани дерлар маккор мулойим.

\*

Кўзларда бедорлик сурмаси ажаб,

На оро, на шифо унинг макседи.  
Ўлгунча нигохим бурмасдан кадаб,  
Тикилсам тўймайман, конмас матлаби.

Узок-узокларга сафарлар сабаб  
Машаккат ва фирок барчага таниш.  
Йўкса юрмасдингиз севиб-авайлаб  
Оромнинг кадри йўк бўлмаса ташвиш.

Ваъдасиз-ваъидсиз пайгамбар, ё Раб,  
Ёмгирсиз булутга ўшар мукаррар.  
Кўзларим кувонсин кўзингга караб,  
Нуроний юзингдан бўлсин мунаввар.

\*

Абу Аъло Мааррий деди:

Кўлга зиён етса, чопилса, синса,  
Беш юз олтин эди хуни-киймати.  
Чорак динор учун энди кесилса,  
Каерда колади эски хурмати?!

Шариф Муртазо унга жавоб берди:

Кўлни киммат килган эди омонат,  
Бахосини ерга урди хиёнат.

Куйидаги мисралар имом Шофеийга мансуб дейилди:

Кимматбахо эди мазлум холида,  
Золим кўл кадрсиз Хак даргохида.

\*

Ўзингнинг тирногинг кулай кашишга,  
Ишингга эгалик килишга ўрган.  
Дуч келсанг муаммо ёки ташвишга,  
Кадрингни эътироф этганга юзлан.

\*

Чигал масалалар чекимга тушса,  
Уларнинг илдизин изладим, топдим.  
Коронгу булутга бориб туташса,  
Тафаккур тигига зулматни тортдим.



Архабий ахлига лойик фасохат,  
Ва Яман киличи тилимга таъриф.  
Хар кимга эргашиб, сўраб маслахат  
Юргувчи десалар, бу хато тавсиф.

Тилим хам, кўлим хам мукаддам, шариф,  
Хозирдан сўзлайман мозийни кўшиб.  
Каломим хайрга чакирар ташриф,  
Яхшиликка йўллаб, зиённи тўсиб

\*

Имом Шофеий айтади: “Хамиша самимий мунозара килганман”.

Аввал-охиргилар ихтилоф килган  
Нукталарни ечиб, бўлсанг хам афзал,  
Бахсда халимликни, кенгликни ўрган,  
Сокинлик сифатинг этсин муфаззал.

Хамиша лутф билан юзлан ва излан,  
Нозик хамда нодир жихатлар бисёр.  
Риё ва манманлик билан керилган,  
Кимсалар ёнингда турмасин, зинхор.

\*

Имом Шофеий айтади: “Ким Куръонни ўрганса, бахоси ошади. Ким фикхдан сўзласа,  
кадри ўсади. Ким хадис ёзса, хужжати кучли бўлади. Ким лугат илмига киришса, таъби  
нозиклашади. Ким ҳисобни ўрганса, фикри кенг бўлади. Нафсини тиймаган кимсага илми  
фойда бермайди”.

Давранинг энг азиз аъзоси, аник,  
Уларнинг райхони, сидр япроги.  
Майллар жомидан куйдилар очик,  
Калблар орасига, ташна тупроги.

Шароблари калом, курук сўз бўлди,  
Коса тўхтамасдан даврада даврон.  
Ёмонлик атрофни коплади, тўлди,  
Низо-адоватни тўкди беармон!

\*

Огир кунда нафи тегмаган ўрток,  
Дўстдан кўра душманамга якинрок.

Биродарлар бисёр хамма замонда,  
Факат тасаллига ярарлар биров.

Содик дўст изладим, тўхтаб колмадим,  
Самара бермади жидду жаҳд, сабот.  
Замонам ахлини таний олмадим,  
Гўё улар инсон эмасдек, хайхот.

\*

Калбим рахматингга мушток ва мунис,  
Ошкора-яширин, тонгда-кечкурун.  
Уйгонсам, мудрасам зокирман мухлис,  
Номинг жондан кейин, нафасдан бурун.

Миннатинг улугдир, калбда маърифат,  
Мен Сени танидим. Раззок ва Куддус.  
Маълумдир гунохим, журму маъсият,  
Кечирдинг, яширдинг, чекмадим афсус.

Солихлар зикрини сўрайман, Рахмон,  
Динимда собит кил, олмасин гумон.  
Хаётим, мамотим сўнг киёматим,  
Ёришсин башорат бергандек Куръон.

\*

Имом Шофеий айтади: “Яхшилик бешта нарсада: нафснинг тўклиги, озордан тийилиш,  
халол касб, такво ва Аллохга ишонч!”

Санокли нафаси колган колган воизим –  
Амал килмайдиган сухандон нотик.  
Офият кексалик учун хам лозим,  
Оппок соч-соколга кирлик юк ортик.

Гўё бировларнинг эгнини ювиб,  
Ўзи кирга ботган, ирkit ва ифлос.  
Натижа хохлайсан иш килмай туриб,  
Кема курукликда сузганми нохос?!

Ёдингдан чикади канча хачир, от,  
Минганинг тобутга миниб учганда.  
На фарзанд колади, на молу давлат  
Унутдир илк висол кабр кучганда.

\*

Имом Шофеий айтади: “Инсон ушбу тўрт сифат билангина комилликка эришади: диндорлик, омонатдорлик, шаъни сакламок ва босиклик”.

Жон топширмак, зулм кўрмак, тиш кўпормак,  
Кунни сурмак, музда турмак, хун тўламак,  
Тери ошлаш, зоббни тишлаш, айик овлаш,  
Кумга экмак, олов ёкмак, махси сотмак,  
Бир тангага уй савдоси, ор гавгоси,  
Кадрдонга камчи солмак, ёлгиз колмак,  
Хур инсоннинг хор кимсадан тама килиб,  
Эшигида саргайгандан, бил, осонрок.

\*

Имом Шофеий айтади: “Ўн уч ёшимда дарс берар эдим. Балогат ёшига етмасдан “Муватто”ни ёд олдим”.

Илм ифтихорнинг шудгор даласи,  
Хазир бўл, ўтмасин экин палласи.  
Унутма, илмга ошно бўлмайди  
Кимнинг гами корни, чопон-салласи.

Оч колсин, ялангоч, тўк юрсин кўрмак,  
Илмга интилган унинг дўстидир.  
Билимдан насибанг мўл бўлсин, махкам,  
Астойдил изланиш ишнинг ростидир.

Илм талабида уйкудан воз кеч,  
Йўколсин беҳуда гами-сурури.  
Кайси бир даврага кирсанг эрта-кеч,  
Бўларсан уларнинг фахри-гурури.

\*

Аллох ягонадир, йўк ўзга маъбуд,  
Гувохлик бераман: Киёмат хакдир!  
Иймон эътирофсиз, амалсиз мардуд,  
Камайиб-кўпайиб туриши такдир.

Сиддик ўринбосар чиндан муносиб,  
Абу Хафс хамиша хайрга харис,  
Усмонга бир мумтоз фазилат насиб,  
Алининг таърифи унга хос, холис.

Улар имомлардир, ахли хидоят,  
Маломат этганни хор килсин Каххор.

Богийлар, жохиллар килмиш хакорат,  
Тухмат тошларини отмишлар такрор.

\*

Имом Шофеий айтади: “Етти ёшимда Куръонни, ўн ёшимда “Муваатто”ни ёд билардим”.

Вакеъга арз килдим, зехним заиф деб,  
Деди: Гунохлардан сен йирок юргин.  
Гунохкор кимсага илм бўлмас зеб,  
Илмни Аллохнинг нури деб билгин.

\*

Ишинг юриб турса, кўлингда бўлса  
Сарфлаш ихтиёри, саховат кўрсат.  
Дунё тишларини ботириб турса,  
Чорасиз колдирса, кеч бўлар фурсат.

Дунёга ишонма, канча бермасин  
Кайтариб олиши бамисоли фарз.  
Кунларнинг одати: бир кун хаммасин  
Талаб килиб олар, колдирмайди карз.

\*

Менга жафо килган дўстимни асло,  
Ёмонлаб юрмайман, бермайман озор.  
Номаъкул килмиши, турмуши, аммо,  
Меҳр кўрсатаман, нафратдан безор.

Мендан рози бўлсин, кўнгли колмасин,  
Ўртани узмайман ўзимча бирдан.  
Барига чидайман, нима килмасин,  
Кўз юмиб кетгандан афзалман, чиндан.

\*

Рабе ибн Сулаймон айтади:

Имом Шофеий билан бирга хаж килдик. Тепаликка кўтарилса хам, пастликка тушса хам  
йигларди ва айтардики:

Мино-Мухассаба тин ол, эй отлик,  
Ўтирган-турганга нидо кил, дилдан.  
Кўпирган Фуротдек хаддидан ортик,  
Сахарда хожилар кўзгалса бирдан.

Ахли байтни суйган рофизий бўлса,  
Гувоҳ ўтинг, мен ҳам ўшаларданман!  
Ким Набий ахлига мухаббат қўйса,  
Ва аҳдида турса, мен уларданман.

\*

Имом Шофеий айтади: “Кишининг ширкдан бошка ҳар қандай гуноҳ билан Аллоҳга рўбарў бўлиши ҳавоий ҳолатда Аллоҳнинг ҳузурида туришидан яхшироқдир”.

Хақиқий такводор ва оқил инсон,  
Бировлар айбини излаб юрмайди.  
Жони оғриётган касал ҳеч қачон,  
Ўзганинг дардидан фиғон урмайди.

\*

Аллоҳга мухаббат қиласан изҳор,  
Лекин юрган йўлинг маъсият-мункар.  
Сенинг ошиқлигинг галати экан,  
Бундай яхши қўриш, айт, қаерда бор?!

Чиндан яхши қўрган қилар итоат,  
Киши махбубига тобе яшайди.  
Аллоҳдан ҳар қуни сенга саховат,  
Сендан ношуқурлик жавоб ўхшайди.

\*

Ёқут Ҳамавий шундай ҳикоя қилади:  
Бир киши қуйидаги мисралар ёзилган қозони имом Шофеийга узатибди:

Ҳошимий муфтийдан сўрангиз, инсон  
Мухаббатда ёнса, борми бир имкон?

Шофеий ёзди:

Ҳавоингни ўнгла, этмагин ошкор,  
Ҳар ишда сабр бор, итоат даркор.

Ҳалиги киши қозони олиб кетди. Сўнг яна қуйидагиларни ёзиб, имомга узатди:

Қандай даво қилсин, ўнғласин, ахир,  
Ҳар қуни гам ютиб ўлади охир!

Шофеий жавоб ёзди:

Токати етмаса, дарди кўп огир,  
Сабрдан кейин энг яхши жой кабр.

\*

Ёнимда яхши гап, ортимдан ёмон,  
Хасадгўйнинг касби маломат, миш-миш.  
Такво тўсар мени гийбатдан, ишон,  
Ахир гийбатчи хам кўркиб килар иш.

\*

Сўзлари кўксимни тешиб кетса хам,  
Ёктиргандек караб кулиб тураман.  
Ажабланманг, ахир шундай килмасам,  
Ёмонлик узлуксиз, узиб юраман.

\*

Агар хохламаса, ўргатма, окил,  
Ўзинг ёмон, фикринг бўлар номаъкул.

\*

Ёлгиз колганимда насихатлар айт,  
Одамлар олдида тинч кўйгин факат.  
Издиҳом ичида кулок солмайман,  
Хакоратга ўхшар бундай маслаҳат.

Агар айтганларим сенга ёкмаса,  
Билганингни килсанг охир-окибат.  
Сикилма, сўзингга биров бокмаса,  
Сабр кил, топмасанг иззат, итоат.

\*

Холикдан ўзгага килмай шикоят,  
Камсукум яшаган азиздир мудом.  
Англадим, энг улуг иззат – каноат,  
Аксинча, мукаррам бўлмайди одам.

Каноат асосий сармоянг бўлсин,  
Аллохдан кўркувинг – бор-йўк бисотинг.  
Имкон кадар кўлинг хайрга тўлсин,  
Нафсингга эргашма, амал – исботинг.

Солих эмасман-у, солихлар махбуб,  
Шафоатларидан умидим осмон.  
Бир хил тижоратга бўлсак-да мансуб,  
Гуноҳ сотувчисин кўраман ёмон.

\*

Имом Шофеий айтади:

-Семиз киши зафар кучмоги учун Мухаммад ибн Хасан бўлмоги керак.  
-Нима учун? – деб сўрадилар.  
-Чунки, хар бир окил дунёси ёки охиратини ўйлаб гам чекади. Гам билан семизлик бирга бўлмайди!

Имом Шофеийни Хорун Рашидга карши фитнада айблашганида имом куйидаги байтни Мухаммад ибн Хасанга ёзиб юборди:

Кандай йўл тутишни билмадим, алхол,  
Яхши номинг ўйлаб яхши гумоним.  
Дўстига ёрдамга ошиккан дархол,  
Ишга киришади, англаб ахволим.

\*

Имом Шофеий айтади: “Одамларни рози килмок етишиб бўлмайдиган орзудир. Улардан саломат колмокнинг ҳам ҳеч иложи йўқ. Бинобарин, ўзинг учун хайрли бўлган амални маҳкам ушлайвер!”

Ташвишинг бўлмаса номусдан, ордан,  
Кўркмасанг Холиқдан, Улуг Каххордан,  
Тагин ҳеч кимсадан ҳаё килмасанг,  
Истагинг ижроси холи инкордан!

\*

Золимлар харбига Роббинг кифоя,  
Таъзирини берди уларнинг такдир.  
Дуонинг зарбига ожиз химоя,  
Мен учун дин дуо ва ибодатдир.

Руку камонидан пайкон-муножот  
Сахарлар бедорнинг киприги-тиги.  
Кўз ёшга ювилиб учди ва нажот  
Золимга ҳам тегди, бўлмас ортиги.

\*

Каноатли кул озоддир, тамагир хур кул каби,

Тама килма, каноат кил, тама таъна манбаи.

\*

Ўкиб-ўрганганим фойдали бўлсин,  
Ким тама килибди, хор бўлар, билсин.  
Аллохни таниган тавбага кайтар,  
Кўнмок шарт, канчалик куш парвоз килсин.

\*

Кучли йирткич кушлар ейди ўлакса,  
Ари асал йигар, топиб гулкоса.

\*

Фикри ўткир, ўзи эпчил ишсиз ётар,  
Акли киска, сўзи сийка коплаб топар.  
Аллох билар кимга канча қачон лозим,  
Илохий сир, бизлар ожиз, Аллох акбар!

\*

Бахтга етмок кайда, баланд тоғлар бор,  
Уларнинг пойида халокат кутар.  
Яланг оёк, яёв, ахволим абгор,  
Йўл бўлсин, йўлларда тўла хавф-хатар.

\*

Курук мулозамат, сохта такаллуф  
Изхор этганлардан воз кеч бемалол.  
Эл ичра абдоллар-солихлар маъруф,  
Узлатда ором бор, рохат безавол.

Севсанг сабрлисан озорларига,  
Мухлиссан гоҳ сендан безорларига,  
Баъзида бегараз биродар дейсан,  
Алданиб мухаббат бозорларида.

Соф дўстлик табиий, тоза, бегубор,  
Сунъий садокатдан сакраб чопмайсан.  
Кечаги хабибинг бугун дилозор,  
Хиёнат килади, хайр топмайсан.

Бирдан ўзгаради, яширин сирлар



Энди махфий колмас, оммага ошкор.  
Содиклар, солихлар, ахдга асирлар  
Колмаса, дунёда колмок хам бекор.

\*

Шахарлар зийнати, миллатнинг кўрки:  
Мўминлар имоми – Абу Ханифа.  
Ахкомлар, ахборлар, фикхда борки,  
Беназир бамисли Забурдан лавха.

Нафакат Кўфада, гарбу шарқда хам,  
Тенгсиз деб топилди Абу Ханифа!  
Рахматига кўмсин Роббим бокарам,  
То кўлдан кўйилмас экан сахифа.

\*

Шундай кимсалар бор, ёнингда зоҳид,  
Тарзи такводорлик, хилватда бирок,  
Бўрига айланар, бўлмайсан шохид.  
Улардан узок юр, узокрок йирок.

Ёнингда зоҳид-у, хилватда бўри  
Кимсадан узок бўл, шуниси зўри.

\*

Сирини ўз тили билан фош килиб,  
Нодон ўзгаларни айблар бемалол.  
Кўксинг хос сиридан кетса сикилиб,  
Бировнинг кўксида турмоги махол.

\*

Эътироф эт, ахли хакка хакни доим, бўлса хак,  
Хакни хакли зотдан инкор этган инсон гайри хак.

\*

Факат макр билан хушомад яшар,  
Тегинсалар тикан, тикилса гулдир.  
Мулокот зарурат бор экан башар,  
Оловга айланиб тиконин куйдир.

\*

Душман кучли бўлса, муроса килгин,  
Келишиб, киришиб яшайсан секин.  
Ўт билан сув бирга бўлганда, билгин,  
Мазали таомлар тайёрлаш мумкин.

\*

Илм – хуркак оху, китобат – тушов,  
Овчи ўлжасини саклайди бандда.  
Ахмоклик саналар кийикни биров,  
Бўш қўйиб, кочмайди, деса, албатта.

\*

Имом Шофеий айтади: “Нодонлар ва ноинсоф кимсалар билан алоқа килманглар”.

Фойда бермок бўлар асл максади,  
Зиён келтиради билмасдан, бирок.  
Ўзича яхшилик килмок матлаби,  
Аммо онага гам, отасига ок!

\*

Тугишгандек бўлгин шафик, мулойим,  
Узок сафарларда сохибларингга.  
Айбингни унутма, айбидан кўз юм,  
Озор етказма хеч содикларингга.

Камчилик кидирма, айблама зинхор,  
Аксинча, кенглик кил, қўнгил оласан.  
Агар мудом килсанг шикоят изхор,  
Оламда хеч кимсиз ёлгиз коласан.

\*

Сени сигдирмаган юртдан сафар кил,  
Якинлар фироки этмасин махзун.  
Шахрида, халкида хўрланса окил,  
Йўлга отланади магрур ва мамнун.

Анбар ўз юртида ташландик эди,  
Гурбатда эгилди унга бўйинлар.  
Ким сурмага тош деб карайди энди,  
Ўзга юрт эъзозлаб кўзга тайинлар.

\*

Аббос Азрак имом Шофеийнинг хузурига кириб деди:  
Эй Абу Абдуллох, мен шундай мисралар битдимки, агар Сиз уларга тенг келадиган  
байтларни ижод килсангиз, умуман шеър айтмайман:

Адоватга карши кураш химматим,  
Хеч қачон эскирмас, эскирар замон.  
Бойлик ўмаришга кўзлар диккати,  
Эътибор бермаслар аклга ҳамон.  
Ажаб, акл топган бойликдан махрум,  
Бойлик билан акл бирлашган қачон.

Имом Шофеий унга жавобан куйидаги мисраларни ўқиди:

Кенглик топган киши ажр топмаса,  
Мактов ҳам бўлмаса, насибаси йўк.  
Ишинг ўнгламайди омад чопмаса,  
Эшиқлар ланг очик кимки бахтдан тўк.

Бадавлат кимсанинг кўлидаги чўп,  
Хосил берди деса, ишон бемалол.  
Камбагал ичгани келиб тушса чўк,  
Окиб турган сув ҳам тўхтайдди дархол.

Огир ўйлар босар баъзан одамни,  
Сўнг афсус киламан тугилганимдан.  
Бойлик менга боглик бўлса оламни  
Эгаллаб олардим дўсту ганимдан.

Бирок акл билан олтин – сув-олов,  
Ахмок маишатда, окил хору зор.  
Иззатга муносиб, онгли, кенг камров,  
Яшаши бир ахвол, холати абгор.

\*

Мусофир ўғридек юради кўркиб,  
Карздордек кимтиниб, бандидек бебахт.  
Юртини эсласа, кетар орзикиб,  
Кушдек канот кокар юраги бевакт.

\*

Ризким Роббимдан деб бўлдим бемалол,  
Ишондим: Розиким Рахмон Мехрибон.  
Насибам ўзгага ўтмоги махол,  
Уммоннинг қаъридан келар, бегумон.

Тилим таваллога айланмаса хам,  
Аллох фазли билан узилмас ноним.  
Нечун хасрат килай, нега чекай гам,  
Ризкни таксим килиб кўйган Рахмоним!

\*

Тунлар бедорликда илм огуши,  
Мен учун зебонинг васлидан лазиз.  
Сахифалар узра калам товуши,  
Ушшок овозидан калбимга азиз.

Сиёхни куритган кумларни кокмок,  
Дуфни дўпиллатиб урмоқдан афзал.  
Чигал тугунларни ечиб тебранмок,  
Сокий шаробининг завкидан гўзал.

Тунлар кўз юммадим, сен ором олдинг,  
Энди етмок кайда, кўп ортда колдинг.

\*

Илмим – хизматимга хозир йўлдошим,  
Сандикларда эмас, калбимда махкам.  
Уйимда ўтирсам ўрни ёнбошим,  
Бозорга борганда бозорда у хам.

\*

Улуш белгиланса аклингга караб,  
Ялангоч колардинг ошсиз ва нонсиз.  
Сендек жохил кимса – бадавлат, ё Раб,  
Бойликка кўмилган мажнунлар сонсиз.

\*

Юзсиз, ориятсиз олим балодир,  
Ундан-да ёмонрок: саводсиз диндор.  
Уларнинг этагин тутган соддадил  
Хамиша фитнага бўлар дахлдор.

\*

Зайтни муборак деб кўшиб едирдинг,  
Жигарни ана шу ёгда куйдирдинг.

\*

Имом Шофеий айтади:  
Илмнинг асли собитлик, самараси омонликдир.  
Сабрнинг асли катъият, самараси голибликдир.  
Таквонинг асли каноат, самараси рохатдир.  
Амалнинг асли тавфик, самараси саодатдир.  
Хар кандай ишнинг асосий гоёси садокатдир.

Бехожат бўлмокнинг боши каноат,  
Унинг арконига богланиб олдим.  
Бойлар эшигидан кутиб иноят,  
Суйкалиб юрмадим, саломат колдим.  
Хуллас, бир дирхамсиз бўлдим бадавлат,  
Юришим беклардек, шохона савлат.

\*

Шохлардан яхшилик кутмоклик бекор,  
Саройда сиз учун йўк соя-салкин.  
Розилиги малол, жахли зулмкор  
Кавмдан умид уз, кутма хуш талкин.

Сигингин Аллохга, мададлар сўра,  
Султон эшигидан этсин бехожат.  
Бормагин уларнинг қошига сира,  
У ерда турмоклик хорлик-хакорат.

\*

Одам олим бўлиб таваллуд топмас,  
Ўрган, илм ахли аталмас нодон.  
Лашкарлар йигилса улкан, тап тортмас,  
Хеч ким бўлиб колар оми кўмондон.

Кавмнинг кичиги олим беназир,  
Мажлислар тўрида, шубхасиз, калон.  
Хеч қачон хорликка бўлма бетаъсир,  
Отамерос билан чекланмас ўғлон.

\*

Хулкинг гўзал, нафсинг ифбатли бўлсин,  
Яхши гап эшитиб, яхши яшайсан.  
Майли, дунё газаб, дўст жафо қилсин,  
Сен эса хуш хулкли, хайрга шайсан.

Бугун ризк торайса, эртани кутгин,  
Дунёнинг гамлари муваккат, ахир.  
Турланиб турувчи дўстни унутгин,  
У кучли тарафга ён босар охир.

Санасанг, беҳисоб биродаринг бор,  
Бошингга иш тушса, кўпи чанг-губор.

\*

Фазл кил, хамиша фозиллик афзал,  
Инсон мархамати билан муфаззал.

\*

Хакдан тойди халклар, ўйлаб топишди,  
Далилсиз, исботсиз кўп залолатни.  
Холикнинг амридан кўркмай тонишди,  
Афзал санадилар хакдан бидъатни.

\*

Имом Шофеий асхобларидан бирига хазил-мутойиба килиб деди:

Узок сафарларда гариблик кўрдим,  
Хамфикр эмаслар билан ўтирдим.  
Жохилнинг ёнида нодондек туриб,  
Окилнинг аклини яна ўстирдим.

\*

Хорун Рашид Маккада Амин ва Маъмуннинг валиахдлиги хақидаги фармонини ўқигач,  
бир ўспирин ўрнидан туриб “Эй амирул мўминин”, деб куйидаги мисраларни ўқиди:

Токи кўлингизда экан салтанат,  
На нуксон топилар ва на балогат.

-Таъзия билан табрикни бир байтда баён қилган бу йигит ким? – деб сўрашди.  
-Бу курайшлик йигит, исми Мухаммад ибн Идрис Шофеий! – дедилар.

\*

Зафар кучсанг, захар ичсин кўлингдан,  
Улар учун асал кўшгин тилингдан.

\*

Хамманинг кўнглига йўл топдим, аммо  
Хасадгўйнинг иши мушкул муаммо.  
Уни кандай рози килмоқлик мумкин,  
Тилаги – халокат, завол мутлако.

\*

Имом Шофеий Мухаммад ибн Хасандан бир китобни бериб туришини сўради. Мухаммад ибн Хасандан ижобат бўлмади. Имом Шофеий унга куйидаги мисраларни ёзиб жўнатди.

Сенинг назирингни кўрмади кўзим,  
Ким назар ташласа, олдинда ёлғиз.  
Камолда комилим, тинглагин сўзим,  
Илм ўз ахлидан тўсилмас, харгиз.  
Ахли илм учун бундай хол махол,  
Саховат киларсиз энди, эхтимол.

Имом Таховий ёзади: Мухаммад ибн Хасан юкоридаги мисраларни ўқиғач ўша китобни имом Шофеийга хадя сифатида бериб юборди.

\*

Имом Шофеий айтади: “Агар хакикий олимлар бўлмаганида минбарлардан зиндик – мунофик кимсалар хутба ўқир эди”.

Дерлар: “Ахмад сизни килар зиёрат,  
Сиз ҳам уни доим турасиз йўқлаб.  
Дедим: Фазилатлар килмас хиёнат,  
Эгасини топар сўроклаб, ёклаб.

Ибн Ханбал келса, килар мархамат,  
Мен борсам, фазлига бўлар эътироф.  
Хуллас, тасдиқлайди хар икки холат,  
Ахмад ибн Ханбал афзал, йўқ хилоф”.

\*

Эй, азиз ахли байт, сизга мухаббат  
Аллохнинг фарзидир Куръондан тортик.  
Сизни ёкламаган топмайди рахмат,  
Айтинг, фахр борми бундан-да ортик.

\*

Халкнинг орасига киргин камтарин,  
Энг куйи манзилда хотиржам бўлгин.

Тўрга кўтарсалар, фазл ва лекин,  
Колдирсалар, шу ер ўрним деб билгин.

\*

Имом Шофеий деди:

-Эй Рабе, куйидаги уч маслахатимга кулок тут:

- ҳеч қачон саҳобалар хусусида ёмон сўзлама, акс холда Эрта Киёматда даъвогаринг  
Расулulloх соллalloху алайхи васаллам бўладилар;

- калом илми билан шугулланма! Мен калом ахли Аллох сифатларини бекорга  
чикаришларини кўрдим;

- юлдузлар билан машгул бўлма!

Имом Шофеий ахли байтни яхши кўришини ва уларнинг тарафдори эканлигини ошқора  
айтарди. Пировардида турли гап-сўзлар пайдо бўлди. Имом мазкур холатни шундай  
изохлади:

Алини мактасак, жохил кимсалар,  
Бизни рофизийга мансуб килишди.  
Агар Абу Бакр афзал десалар,  
Сизлар ахли байтга душман, дейишди.

Али ҳам махбубим, Абу Бакр ҳам,  
Шу икки мухаббат ўринли демак.  
Икки хил ном олиб, ютиб гам-алам,  
Тупрокнинг тагидан жой олсам керак.

\*

Кўнглимга хуш ёккан қанча ишлар бор,  
Бирок ижросидан ожиз ахволим.  
Зикна нафсим менга бўйсунмас зинхор,  
Амалга келганда етмайди молим.

Кўнглимга хуш ёккан қанча ишлар бор,  
Амалга оширмак – ушалмас гоё.  
Зикна нафсим менга бўйсунмас зинхор,  
Ижросига келсак, етмас сармоё.

\*

Пул топсанг, обрў ҳам топасан дарров,  
Килмаган ишингга тахсинлар қанча.  
Баъзида меҳнатни бажариб биров,  
Мактовни эшитар золим бойвачча.

\*



Факих сўзи ёки нуткида эмас,  
Амалида зохир: закий канчалик.  
Инсон хусни хулксиз саййид аталмас,  
Фойда беролмайди кон-кардошчилик.  
Хакикий бойлик ҳам калбнинг холида,  
Эмас давлатида, топган молида.

\*

Мехнатга муносиб: манзил-мартаба,  
Чўккини кўзлаган кўз юммас тунлар.  
Захматсиз натижа ким килар тама,  
Умрини бой берган бўлар бутунлай.

Гафлат тўшагида тинч-бежавотир  
Ётиб азизликни истамок бекор.  
Денгизнинг тубидан дуру жавохир  
Олиб чикмок учун шўнгимок даркор.

\*

Имом Шофеий айтади: “Илм икки турлидир: дин илми, яъни фикх ва дунё илми, яъни тиб илми. Шеър ва шунга ўхшаш бошка машгулотлар бехуда ва бемаъни ишлардир”.

Табиб каминани кўрди, текширди,  
Карасам, ўзи ҳам бир ахвол: бемор.  
Тагин даволашга кўркмай киришди,  
Ажаб, кўз табиби – шилпик шифокор.

\*

Качон хаёт дакки бериб уришди,  
Окил эмаслигим эътироф килдим.  
Бугун илмим ўсди, аклим ёришди  
Ва билмаслигимни яхширок билдим.

\*

Йўкчиликнинг гами бойга бегона,  
Танаси соғ билмас касал холини.  
Канча факирлар бор, яшар мардона,  
Сабр билан ёпар тор ахволини.

Табассум тагида махзунлик огир,  
Охири кўринмас ташвишлар катор.  
Хар ким ўз тенгини топади охир,

Мусибатлар турли, ечим йўли тор.

Гамдан корайганда либос баногох,  
Хеч кимса ок кийим киймасди осон.  
Эй, гамдан кочмокчи бўлган, бўл огох,  
Кўнгил ташвишларсиз турмас хеч қачон.

\*

Кўрдим, ботил йўллар қанча инсонни  
Залолат уммони қаърига отди.  
“Бисмиллаҳ” деб, кўллаб барча имконни  
Нажот кemasидан топдим ҳаётни.

Халоскор кема бу – Оли Муҳаммад,  
Аллохнинг арқони – Унга муҳаббат.  
Мана шу арқонни маҳкам ушламоқ,  
Илохий амрдир, вожиби уммат!

Етмиш уч фирқага бўлиниб миллат,  
Факат бир бўлаги топар омонлик.  
Кани айт, эй оқил, олим серҳиммат,  
Нахот, аҳли байтнинг йўли ёмонлик?!

Айтсанг: “Нажот топар азиз хонадон”,  
Ортикча изохга ҳожат йўқ демак.  
Уларни дўзахий деб билган нодон,  
Ҳакни поймол қилиб ўтмоғи керак.

Кавмнинг мавлоси улардан асли,  
Хар ишда аҳли байт билан биргаман.  
Раҳбарим Алидир ва унинг насли,  
Сенинг танлаганинг сенга бегумон.

\*

Гами ҳаёт бўлса, ташвиши рўзгор,  
Ҳикмат нималигин билмайди одам.  
Турли машгулотлар, ўйлар жилвақор  
Чекинса, илмга очилар олам.

Довруги дунёга таралган Лукмон  
Яшаб ўтганида излаб парча нон,  
Ажрата олмасди хатто анжирни  
Оддий сабзавотдан, бўлмагин хайрон.

\*

Очликдан тиришиб чексам-да озор,  
Кўлимда борини элга бераман.  
Огир ахволимни этмасдан ошкор  
Дўстларим ёнида бойдек юраман.  
Арзимни Аллохга киламан изхор,  
Хакикий холимдан Холик хабардор.

\*

Кўлингдан келганча чиройли кийин,  
Бу сенинг зийнатинг, обрў-иззатинг.  
Таквони кийимдан кидирма, кейин  
Аллохга маълум сир-ошкор хизматинг.

Калбда бўлса кўркув, харомдан хазар,  
Янги кийим сени ёмон килмайди.  
Ким гунохга ботиб, хак йўлдан озар  
Жанда кийса азиз бўлиб колмайди.

\*

Нокобил аждоднинг кобил фарзанди,  
Кўрдим, илм олиб топди эътибор.  
Шарафга кўмилди, шаъни юксалди,  
Улуглар олдида улуг ўрни бор.

Олимга хар ишда эргашмок одат,  
Раият учун у чўпон бамисол.  
Илмсиз инсонлар топмас саодат:  
Фаркланмас окибат харомдан халол.

\*

Абу Хасан Собунжий Мисрий айтади:  
Мисрда Абу Абдуллох Шофеийнинг кабрини кўрдим. Кабр тепасидаги лавхга куйидаги  
мисралар битилган эди:

Куним битганидан севиниб кетди,  
Гафлат уйкусида ётган нодонлар.  
Ўлим бамисоли бир менга етди,  
Улар ўлмайдилар узок замонлар.

\*

Илм юрган йўлдан бурилмай юргин,  
Закий инсонлардан таълим, тахсин ол.  
Калблардан зулматни шундай сугургин,  
Азиз дининг учун хомий бўлиб кол.

Жахолат инсонни хорлайди ёмон,  
Олим илми билан топар эътибор.  
Соч-соколи оппок, ўтмиши сомон  
Жохил оксоколдан кандай умид бор.

На илми, на хилми бўлмаган кекса,  
Хунук кўринади, тикилма такрор.  
Илмнинг дўсти бўл, кўлингдан келса,  
Ихлосли олимдан ажралма зинхор.

Уларнинг сухбати – хайр-манфаат,  
Якинида турсанг, ўлжа оласан.  
Бошка ҳеч нарсани кўрма ганимат,  
Чалгисанг илмдан курук коласан.

Хакикий олимлар юлдузлар мисол,  
Улардек йўлбошчи топмогинг махол.  
Билимсиз кўринмас илохий тимсол,  
Хидоят тили ҳам мажхул, бир ахвол.

\*

Музаний айтади:

Имом Шофеийга: “Сиз ахли байтнинг дўстисиз. Шу мавзуда бирон нарса ёзмайсизми?” – дедим. Имом деди:

Сенинг сир саклашинг чўзилди, гўё  
Жавобсиз саволдан кийналдим ёмон.  
Дедим: мухаббатим сезмасин дунё  
Сиз колинг саломат, мен эса омон.

\*

Оч-нахор юрдилар, калбларда кўркув,  
Камтарин яшамок солихлар иши.  
Бу кандай яхшилик, бу кандай укув,  
Ибн Саид ибрат: ислом – ташвиши.

Ростгўйлик бобида Форук вориси,  
Маъруфга чакирик, мункарга инкор.  
Довуд Тойи, Мисъар сўзнинг холиси,

Адхам ўгли Вухайб, Ариблар ҳам бор.

Фузайлни унутма, ўглини ҳам кўш,  
Кейин ортларидан Юсуфни сана.  
Улар асхобларим, ёронларим хуш,  
Хакларига хайр тилайман яна.

Такво эгалари тигдан саломат,  
Тарк этмас уларни иззату икром.  
Азизлик солихга собит аломат,  
Калбда кўркув бўлса, эътикод ислом.

\*

Дедилар: “Ўзлатга мойиллигинг бор”,  
Максадим: хорликдан химоя, холос.  
Кўрдим: киришганлар халк ичида хор,  
Азизлик топар ким иззатга хассос.

Илмнинг ҳаққини адо қилмадим  
Тама бош кўтарса, бермади имкон.  
Чашми зилолларни кўзга илмадим,  
Ташналикка чидар ҳақиқий инсон.

Хар кимга хизматкор бўлмоқлик учун  
Ҳакнинг хизматида чекмадим захмат.  
Илмдан жаҳолат бўларди устун,  
Иззат уругидан унса ҳақорат.

Тахсилни азиз деб билган толиблар  
Азизлик топдилар шарафга тўлиб.  
Уни хор қилганлар, нафсга мағлублар  
Золимдир, яшарлар мудом хор бўлиб.

Илмнинг юзида тамадан доғлар,  
Окибат ўзгарди унинг ҳолати.  
Мени хушнуд ётар иффати соғлар,  
Динорсиз, дирхамсиз адл қолати.

Очликдан тунлари юлдуз санайди,  
Тонгда табассуми очик юзида.  
Бойларнинг кўлига назар солмайди,  
Ўлса ҳам муқаррам, эрки ўзида.

Кўлдан кетганига қуйиниб бекор,  
Надомат чекмасман бошимга уриб,

Ўзи келган ризкни килмайман инкор,  
Кетса, кувламайман ортдан югуриб.

\*

Кеча ва кундузнинг ун тегирмони,  
Бошимда айланиб окка бўяди.  
Ошкора талайди тўлиб хирмони,  
Конимиз ичади, этни ўяди.

\*

Иzzатинг улугдир, каршингда хорман,  
Яширин сирларга етмайди илмим.  
Бошимни эгаман, мухтож, ночорман,  
Мархаматинг тилаб чўзаман кўлим.

Гўзал исмларинг гўзал шунчалар,  
Наср хам, назм хам васфдан ожиз.  
“Роббимиз Ўзингсан!” деймиз нечалар,  
Кадимий аҳд собит, сўрамок жоиз.

Комил сифатларда беназир Зотдан  
Ўтиниб сўраймиз, хулласи калом.  
Чанкок хам, огрик хам сезилмас ростдан,  
Бир култум ишк берсанг, Роббим ас-Салом!

\*

Музаний айтади:

Имом Шофеий ўлим тўшагида ётиб колишидан озгина аввал шундай деган эди:

Хамиша Аллохдан кўрк ва умид кил,  
Нафсга кулок солиб, чекма надомат.  
Хавф билан ражони махкам тут, дўст бил,  
Мўминга Аллохнинг афви башорат.

Калбим котиб, йўлим торайиб кетди,  
Ё Роббим, умидим афвингга етди.  
Миннат ва саховат сохиби Рахмон,  
Гунохкор бир банданг илтижо этди.

Мени эзиб кўйди журму исёним,  
Бирок мархаматинг айбимдан улуг.  
Кечиргувчи Ўзинг, комил иймоним,  
Карами кенг Зотнинг афви хам кутлуг.

Кечирсанг, каршингда бош эгиб турган  
Жохил ва золимга мархаматинг бу.  
Интиком олсанг хам умидим Сендан,  
Азобим – гунохлар кўзгаган мавзу.

Аввалу охирда огир гунохкор  
Ўзимман ва лекин афвинг кенг осмон.  
Сенсиз соғ колмасди бирон такводор,  
Ахир Одамни хам алдади Шайтон.

Манзилим жаннатми, кувонсам, кулсам,  
Ёхуд жаханнамми, надомат килсам.  
Охиратин ўйлаб йиглаган окил,  
Аллох осон килсин, кани, мен билсам?!

Кўркув зўрлигидан тундан тонг кадар  
Аза очиб мотам тутади ориф.  
Аллохнинг зикрида тўхтамай сўзлар,  
Илло соков номи унга мос таъриф.

Ортда колиб кетган ёшлик ёдида,  
Гунох-маъсиятга ботган жахолат.  
Узок кечаларда коим холида,  
Узун кунлар тилар тинмай магфират.

Хабибим, мен факат Сендан сўрайман,  
Умидвор кўзларга Ўзинг Кифоя.  
Бечора бандангман, бехол карайман,  
Тилакларим сенда топар нихоя.

Азобинг тайиндир, килдинг хидоят,  
Эй Маннон Аллохим, ёлгиз Мададкор.  
Шояд, хор кулингга айлаб иноят,  
Кечирсанг, яширсанг килмишим, Саттор.

\*

Илмнинг ходими бўлгин бемалол,  
Сенга бутун халкни килар хизматкор.  
Киши номусини, конини саклар,  
Илмни хам шундай асрамок даркор.

Нолойик кимсага таълим бермоклик,  
Олимдан илмга зулмдир, зиён.  
Бамисли бир улкан бино курмоклик  
Сўнг вайрон килишга ўхшар бегумон.

\*

Уч нарса инсонни килади хароб,  
Согни касал этар, хулласи калом:  
Жимога берилмок ва ичмок шароб,  
Сўнг таом устига емоклик таом.

\*

Ахлингиз иффатли, иффат килсангиз,  
Харомдан хазар деб олинг койда.  
Зино карз аталар, агар билсангиз,  
Унинг тўловини тўлар оила.

Кишилар харами сен учун харом,  
Меҳр риштасини узма, зинокор.  
Конинг тоза бўлса, айлаб эхтиром,  
Номус шарафини бузмасдинг зинхор.

Зинонинг жавоби кайтади бир кун,  
Хатто ховлисида бўлар шармисор.  
Босган кадамига муносиб якун,  
Агар окилсан сен, килгин эътибор.

\*

Мен сизни синадим, килдим имтихон,  
Ўрнимга келганни синайсиз дархол.  
Хуллас, каминага муаллим инсон  
Сизга ҳам кифоя, шунака ахвол.

\*

Имом Шофеий Мисрга келганида имом Моликнинг асхоблари у кишининг атрофида  
тўпланишди. Кейин Шофеийнинг имом Моликка хилоф килаётганини кўриб улар  
мухолифлик йўлига ўтишди.

Чорва молларига сочайми дурлар,  
Кўйбокарга атаб айтайми назм.  
Хикматли сўзларга нолайикдирлар,  
Майли, бошга ёгар балои азим.

Кадрим билмасларга илмим бермасман,  
Кўйлар сурувига сочмайман гавхар.  
Кўзиларга атаб садаф термасман,  
Дурнинг бахосини билмаслар улар.



Аллох фазли билан илмга мухлис,  
Хакикатга холис зотларни топсам.  
Бир мажлис курамиз меҳрли, мунис,  
Йўкса, исроф килмай беркитсам, ёпсам.

Жохилга дарс берсанг, илм хайф кетар,  
Зулмдир толибни тўсмок зиёдан.  
Дин илмини холис ким талаб этар,  
Беркитган гунохкор хаддан зиёда.

\*

Тамани ўлдириб топдим халоват,  
Кўзи оч кимсалар топмайди икром.  
Ўлиб кетган экан менда каноат,  
Унга хаёт берди илохий илхом.

Каноат уйгонса, яшаса фаол,  
Кишининг номуси, шаъни яшайди.  
Тамагир айланар кулга бемалол,  
Хорлик-хакоратга кўниб яшайди.

\*

Тилингни саклагин, эй окил инсон,  
Сени чакмасин у захарли илон.  
Забони сабабли кабрга кирди,  
Енгилмас аталган канча пахлавон.

\*

Дининг тўлик, шаънинг кутлуг, юзинг ёруг,  
Яшай десанг, тилингни тий маломатдан.  
Нуксонларинг сонсиз сенинг, айбинг улуг,  
Элнинг кўзи хабардор хар аломатдан.

Бировларнинг хатосига тушса кўзинг,  
Унутмагин, уларнинг хам кўзлари бор.  
Ёмонликни йирок килсин яхши сўзинг,  
Феъли кенг бўл, ерга тенг бўл, хуш эътибор.

\*

Ишинг юришганда фойдаланиб кол,  
Чунки юрган нарса тўхтайди бир кун.  
Борида эхсон кил, билмогинг махол,

Канча давом этар, каерда якун.

Моялар елини сутга тўлганда  
Ганимат деганлар соғиб олади.  
Чунки бўталоклар катта бўлганда  
Хеч кимса билмайди: кимга колади.

\*

Рабе ибн Сулаймон айтади:  
Имом Шофеий масжид сахнида туриб бизга айтиб ёздирётган эди. Имом турган жойга  
куёш нури тушди. Шофеийнинг дўстларидан бири ёнимиздан ўтиб колди.  
-Эй Абу Абдуллох, - деди у – Куёшнинг тигида турибсиз-ку?!  
Имом Шофеий жавоб берди:

Хурмат топмок учун бўлдим хокисор,  
Азизлик истаган нафсни тутар хор.

\*

Бўлиш-бўлмаслиги номаълум ишни  
Ким бедор ўйлади, ким тинч ухлади.  
Юрагингга жойлаб олма ташвишни,  
Йўкса дерлар: мажнун бўлмок истади.  
Кечаги кунингга кифоя килган  
Роббинг эртангни ҳам белгилаб кўйган.

\*

Имом Шофеий Хорун Рашид хузурида мўътазилийлар етакчиси Бишр билан мунозарага  
киришди.  
Бишр деди:

Шиддат вақти етди, махкам тур энди,  
Кора тун берахм кўрикчи кўйди!

Имом жавоб берди:

Забнинг киргогида бўлади аён,  
У нима истайди, мен қандай инсон.

\*

Имом Шофеий айтади: “Кимнинг хатосидан кулсалар, унинг калбида ўзининг ҳақлиги  
каттик ўрнашади”.

Илмдан зиёда калбда хидоят,  
Ахлоқ чирой олсин, сийрат адолат.  
Азобга айланар аксинча бўлса,  
Бамисли бутларга килмиш ибодат.

\*

Аллохнинг донишманд бандалари бор,  
Дунёдан ўтдилар бермай эътибор.  
Фитналардан кўркиб, хавфсираб, калкиб,  
Зийрак яшадилар, текшириб такрор.

Кўрдилар, билдилар, килдилар қарор:  
Дунё ҳеч кимсага бўлмайдди ватан.  
Бу бир тубсиз уммон, ажиб фитнакор,  
Нажот кемалари ибодат экан.

\*

Сиз телба бўлсангиз, бунга йўқ чора,  
Мажнун қаршисида табиб бечора.

\*

Имом Шофеий айтади: “Маққадаги уйимиз кенг дарада жойлашганди. Силлик суяқларни топиб, уларга ҳадис ёки масалаларни ёзиб қўярдим. Эски хумимиз бўларди. Ёзув билан тўлган суяқларни ўша хумга ташлар эдим”.

Минг йил уринса ҳам ҳеч бир тирик жон  
Илмни батамом билмоғи маҳол.  
Дейдилар: у тубсиз, чеки йўқ уммон,  
Фақат фойдали ва яхшисини ол.

\*

Дерлар, замон ёмон. Аслида эса  
Ёмонмиз ўзимиз, ёлғиз айбдор.  
Айтинг, ким замонни маломат қилса:  
Биздан бошқа унинг қандай айби бор?!

Қунларни сўкамиз, берилса забон,  
Бизни мактамасди улар ҳам, ишон.  
Бўрининг гўштини емайди бўри,  
Биродарин овлаб яшайди инсон.

Қўйдек ювош туриб мақр қиламиз,

Кўлимизга тушган колмайди омон.  
Риё ва алдовни дин деб биламиз,  
Турланиб, тусланиб хар кун, хар замон.

\*

Каддингни букмасин хеч қачон миннат,  
Кундалик ризкингга рози бўл, шодон.  
Бардош бериб яша, сабр бу – жаннат,  
Бировнинг таънаси тигдан ҳам ёмон.

\*

Илм талаб килсанг, олти нарса бор,  
Бирма-бир санайман, етганча имкон.  
Кодирлик, иштиёқ ҳамда иктидор, (укув билан кунт...)  
Ижтиход, мураббий ва узок замон.

\*

Яшашни истасанг бой ва беҳожат,  
Танла холатингдан куйирок холат.

\*

Имом Шофеийнинг бир таниши амирлик мансабига миниб ўзгариб колди. Имом унга куйидагиларни ёзиб колдирди:

Боравер, калбимда меҳр колмади,  
Муҳаббатинг килдим кўнглимдан талок.  
Агар афсус чексанг, учта бўлмади,  
Икки имконинг бор, ортикмас мутлок.

Бош тортсанг, жуфтани кўшамиз, хуллас,  
Икки хайз ичида иккита талок.  
Учинчисин айтсам, хеч илож колмас,  
Амирлигинг ожиз, тугалдир санок.

Хажвия килмадим кимнидир хослаб,  
Сўз айтдим ҳаммага баробар мослаб.

\*

Имом Шофеий Мисрда бетоб бўлиб колди. Кўргани келган яқинлари имомнинг пешонасини ушлаб кўриб “Анча тузуксиз”, дейишди.

Пешонаминг тери сизни чалгитди,

Менга далда бериб, сўрайсиз холим.  
Ўлимга собирман, ажалим етди,  
Барибир, бир куни олади жоним.

Агар омон колсам, мендан мукаддам  
Махбубим жон берса, бу кандай нохуш.  
Таъзия билдиринг, бўлинг деб бардам,  
Дуо килинг энди, бизга хайр-хўш.

Ох-вох килмай кўйсам, тузалди деманг,  
Хатто инграгани етмас мадорим.  
Алдашга уринманг, тасалли берманг,  
Сизни инкор килар огир ахволим.

\*

Абдурахмон ибн Махдийнинг фарзанди вафот этганида имом Шофеий унга шундай таъзия билдирди:

Хамманинг бошида бир кун ўлим бор,  
Суннат деб киламан таъзия изхор.  
Хеч ким бу дунёда узок колмайди,  
Тасалли берган хам, олган хам зинхор!

\*

Хукм юритдилар узок, бемалол,  
Даврлари ўтгач хаммаси битди.  
Эмасдилар одил, инсофли, халол,  
Ўзлари хам инсоф кўрмасдан кетди.

Хадларидан ошиб, килдилар тугён,  
Дунё жавоб берди феълларига мос.  
Хуллас, айтмасинлар "Эй номард замон!"  
Хар кимнинг жазоси килмишига хос.

\*

Абу Абдуллох Мухаммад ибн Идрис Шофеий айтади: "Гунох-маъсиятлардан четланмок ва беҳуда нарсаларни тарк этмок калбни мунаввар килади".

Мархаматинг билан мавжудман, гўё,  
Миннат тамгасини босдинг киздириб.  
Бешикдан кабрга қадар, эй дунё,  
Бир лукма кифоя, кўйма бездириб.

\*

Кунлик насибамга килдим каноат,  
Шаънимни сакладим хорлик, исноддан.  
“Фалончи фалонга килди мархамат”,  
Демасинлар тагин, кўркдим фасоддан.

Кимсанинг молидан бўлсам беҳожат,  
Эътибор бермасман, берса-да озор.  
Ким иллат излайди, ким яхши хислат,  
Менда ҳам уларга муносиб изхор.

\*

Имом Шофеий айтади: “Мухаддис олимларга карасам, худди сахобаларни кўргандек бўламан. Аллох уларга хайрли мукофотлар берсин! Зеро, хадис ахли биз учун асл манбани саклаб бердилар. Уларнинг фазли очик-аёнди!”

Куръондан бошқаси беҳуда, бекор,  
Магар хадис билан фикх мустасно.  
Илмдир кай сўзда “Хаддасана” бор,  
Колгани шайтоний ишлар мутлако!

\*

Одобсиз на илм, на хилм бўлмас,  
Халимлар жохиллар ишин килмайди.  
Ахир у бамисли ирkit, кир либос,  
Уни нодонлардан ўзга киймайди.

\*

Имом Шофеийдан бир парча коғозга ёзиб савол сўрадилар:

Тўксон ёш кампирга берибди кўнгил,  
Бизга изох беринг, жавоб бир шингил.

Имом куйидагича жавоб айтди:

Холига ачиниб йиглаймиз энди,  
Ахир у киз колиб кампирни суйди.

\*

Ёкут Хамавий айтади: “Имом Абу Абдуллох Мухаммад ибн Идрис Шофеий Газзада тугилган. Унинг оиласи кейин Хижозга кўчиб келган. Имом Шофеий у пайтда ёш бола

эди”.

Газза ерларига муштокман хамон,  
Гарчи бизга вафо килмади даврон.  
Аллох сероб килсин, тупрогин олиб,  
Кўзимга сураман етишган замон.

\*

Кўлларим номаъкул ишга узалса,  
Дедим мен: жим туринг ёки даф бўлинг.  
Тоза табиатим, нафсим уктирса,  
Роббинг сенинг ризксиз килмайди йўлинг.

Ха, шундай, таманинг озорларидан  
Ва турфа тухматдан тўсади молим.  
Харид килмадим ҳамд бозорларидан,  
Факат саклаб колдим саломат холим.

Эмасман шарафга асло талабгор,  
Лекин, ким чакирса, килдим ижобат.  
Танти хислатимга такрор ва такрор  
Лаббай дедим қачон берса ишорат.

Нафсимга ёкмаса менинг бу ишим,  
Дедим: бор, кетавер, шудир хошим!

\*

Мол-дунё тўпловчи, умидинг улкан,  
Хар ишни Киёмат мезонига сол.  
Жон берар чогингда топмасдан имкон,  
Дема: учдан бири мискинга эхсон.

\*

Мудом ёнимда тур, Эшитгувчи Зот,  
Асраганинг каби Кифоям ҳам бўл!  
Ризоингга рағбат, афв ва офият,  
Тилайман, тавфик бер, хайрга кабул!

\*

Эй дунё молига махлиё инсон,  
Кувватидан шодон, зийнатидан маст,  
Бинологнинг хароб бўлмоги осон,

Бинокор хам яшар бир муддат, холос.

Кимнинг азизлиги мато, мол-давлат,  
Узокка чўзилмас иззати, ишон.  
Ернинг хазинаси зардан иборат,  
Банданинг бойлиги амал ва иймон.

\*

Сизни кайси мезон билан тортсалар,  
Ўша тарозини ишлатинг сиз хам.  
Йўклар боринг, агар йўклар турсалар,  
Дилозордан узлат энг яхши малхам.

Сизни хакир билган, арзимас кўрган  
Кимсага суйкалиб, бўлманг меҳрибон.  
Сигининг борликни бошқариб турган  
Раҳмонга, хар бир иш Ундан бегумон!

\*

Хошишинг кифоя хохламасам хам,  
Сенсиз интиганим, исташим бекор.  
Барчаси Илмингда маълум ва маҳкам,  
Кимнинг ким бўлиши ёзигида бор!

Бадбахт, бахтли хамда яхши ва ёмон,  
Кимга насиб этар фазлу марҳамат,  
Ким хасратда колар, Ўзингга аён  
Ва кимнинг бошидан ёгади раҳмат.

\*

Имом Шофеий айтади: “Одатда кадрланмайдиган кишининг кадри баланд бўлади. Фазли  
эътироф этилмайдиган кишилар кўп фазл эгаларидир”.

Хамиша хазир бўл, ишонма зинхор,  
Ёмон гумоннинг хам ўз хикмати бор.  
Кўпинча яхши ўй ва яхши калом  
Сабабидан инсон колар оч-наҳор.

\*

Карз олсанг, ёзиб кўй, гувоҳлар хам топ,  
Чунки хайбатидан халки тош котган  
Халлоки оламдан илохий хитоб:



“Карзни ёзинглар!” деб Китобда айтган.

\*

Ўзингизга сийлов мухаббатингиз,  
Бехисоб шериклар бор экан бунда.  
Таомимга пашша тушса, билингиз,  
Кўлимни тортаман, хохлаб турсам-да.

Итларнинг тумшуги теккан булокдан  
Арслон сув ичмайди, ичган хайдар хор.  
Ор килар ахмокка улфат бўлмокдан  
Хатто оч колса ҳам ахли ифтихор.

\*

Бемор хабибимни кўргани бордим,  
Кейин уни ўйлаб мен бўлдим хаста.  
Хабибим кўргани келди, кувондим  
Дийдорига тўйиб тузалдим аста.

\*

Имом Шофеий айтади: “Ким хакка карши чикиб, мен билан талашиб-тортишса,  
назаримдан колди. Ким хакни кабул килса, хайбатини хис килиб, унинг дўстлигини  
ушладим”.

Олим билан жохил ўхшаш бир ишда:  
Бири бошқасига токат килмайди.  
Билинг, илм ахли яшар ташвишда,  
Ахир жаҳолат ҳам худуд билмайди.

\*

Мухаммад ибн Идрис Шофеий айтади: “Агар китобимда Расулуллох соллаллоху алайхи  
васаллам суннатларига хилоф нарсани топсангиз, суннатни олиб, сўзимни ташлаб  
кетинглар!”

Яхшилар яхшиси айтган тўртта сўз  
Барча яхшилиқнинг асоси эрур:  
Шубхалардан саклан, дунёдан дил уз,  
Амал ният билан, бекордан юз бур.

\*

Кўлдан кетганига куюнманг зинхор,

Ахир сизда ислом ва офият бор.  
Шу иккиси инсон учун кифоя  
Майли, кетса кетсин, бошкаси бекор.

\*

Имом Шофеий айтади: “Одамлардан бутунлай ажралиб колиш адоватга олиб боради.  
Улар билан киришиб кетиш эса ёмонлик тугдиради. Сиз ана шу иккисининг ўртасини  
ушланг”.

Кимга маълум бўлди мазмун-мохият,  
Беҳуда сўзларни айтмоги уят.  
Ўринсиз каломни тарк этиб, холис  
Жим турмок йигитга муносиб зийнат.

Инсоннинг феълига айлаб далолат  
Манглайида ёнар белги-аломат.  
Агар мажхул бўлса асл ахволи  
Дўстини кузатсанг, равшандир холат.

Ўзига ишониб, хотиржам юриб  
Кимлар охирида гафлатда котди,  
Ишончидан махрум, бадбахт, хор бўлиб  
Бутун дунё учун динини сотди.

\*

Эшаклар тўкликдан танлаб ўтлайди,  
Силласи куриган шерлар сувга зор.  
Фозиллар оч-нахор, куни ўтмайди,  
Писта-бодом чакиб яшар дилозор.

Аллохнинг ёзгани голиб, мукаддам,  
Казонинг зарбидан кочиб бўлмайдди.  
Дунёнинг макрини тушунган одам  
Сокиндир, собирдир, исён килмайди.

\*

Имом Шофеий айтади: “Халол-харом хакидаги илмдан кейин энг шарафли илм тиб  
илмидир. Бирок, биз бу сохани ахли китобга бой бериб кўйдик”.

На табибнинг илми, на дори-дармон  
Казо каршисида бўлолмас калкон.  
Қанча хасталарни даволаб табиб,  
Ўзига келганда ожиз-нотавон.

Ким даво истайди, ким хаким хозик,  
Ким дори тайёрлар, ким харид килар.  
Барчага жорийдир Илохий Ёзик,  
Ажал келганида тўхтарлар, тинар.

\*

Али ва Фотима, Хасан ва Хусайн  
Даврада эсланиб, сўз кетса нохос,  
Ўзгаларнинг зикри кимларга осон,  
Дерлар: Ахир бу иш салафларга хос.

Али билан ўгли тилга олинса,  
Бетайин сўзларни айтишга тушар.  
“Кўйинглар, - дейди у кулок солинса –  
Бу мавзу рофизий сўзига ўхшар”.

Фотима наслига мухаббатни ким  
Рофизийлик деса, хасратда ўлсин.  
Ахли байтни дуо килмоқлик лозим,  
Жохилларга эса лаънатлар бўлсин!

\*

Роббим Ўзи танлаб, айлаб ихтиёр  
Бошимга кийдирди янги бир дастор.  
Сўнгра чеклаб кўйди кирар йўлларни,  
Икки кўлим ожиз, уринсам минг бор.

\*

Номатлуб ишларга розилик – нуксон,  
Газабдан дунёга келар адоват.  
Мени хакир билган, кўрган нотавон  
Феълига яраша топар адолат.

\*

Якинларга килиб мухаббат изхор  
Узок юрганлардан узокман мен хам.  
Назаримда ўлим билан баробар:  
Хорликка кўмилиб яшамок бегам.

Шаънини саклаган, озод, улугвор  
Киши хасисликка кўникмас зинхор.  
Хар иккимиз эркин хаёт кечирдик,

Ўлсак беҳожатмиз неча баробар.

\*

Жохил кимсаларга берманг эътибор,  
Нодоннинг айтгани ўзига кайтар.  
Итлар сузиб ўтса хамки неча бор,  
Фурот булганди деб кани ким айтар?!

\*

Тамом